

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎҚИТТИК МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО САНЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ”
“САНЪАТШУНОСЛИК ВА МАДАНИЯТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ**

“ЎПҚОН”

(Киносценарий)

Битирув малакавий иши

**Бажарди: 5150200-Санъатшунослик (Саҳна ва экран санъати
драматургияси) таълим йўналиши 4 курс талабаси
Акбарова Зулхумор Абдувахоб қизи**

Курс раҳбари:

Санъатшунослик ва маданиятшунослик
кафедраси доценти

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
кино драматург

_____ Э. Аъзам

“ _____ ” 2016 й

Илмий раҳбар:

Санъатшунослик ва маданиятшунослик
кафедраси доценти

Педагогика фанлари номзоди

_____ М. Содиқова

“ _____ ” 2016 й

Битирув салакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

_____ сонли баённомаси « _____ » _____ 2016 йил

Тошкент-2016

МУНДАРИЖА

1. Асар таҳлили..... 3 бет
2. Асар матни..... 16 бет
3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 58 бет

Малакавий битирув иши таҳлили

Кириш

«Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»

И.А. Каримов

Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиб бориши дунё ҳамжамиятида нуфузли ўринга эга бўлиш ҳамда ёшлар тафаккурини шакллантириш, миллий-маънавий меросни қадрлаш, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун замин яратмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “...бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”¹.

Инсоният, XXI аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, террорчилик каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув шароитида ахборот оқимининг тезлашуви ва фаоллашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда. Бугун ер юзи одамзот учун ягона макон эканлиги аниқ. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, ҳудудларни босиш учун сон-саноксиз урушлар, босқинчиликлар бўлгани

¹Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2005, 34-бет.

маълум. Бу жараён эса ҳарбий қурол-яроғларни мунтазам такомиллашиб бориши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва космополитизм, ирқчилик ва диний экстеримизм, эгоцентризм, “Оммавий маданият” шулар жумласидандир.

Маданият, яъни инсоний маданият, маърифат, илм ва ақл, ўзаро ҳамжиҳатлик, юртга, оилага садоқатгина инсониятни уруш даҳшатлари, “ривожланган ёвузлик”, маънавий қашшоқликдан қутқариб, аجدодларимиз меросидан кенгроқ фойдаланиш, жамиятни маънавий соғломлаштириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини раванқ эттириш, аҳолини руҳан, жисмонан камол топтириш, турмушини фаровон қилиш каби улуғвор ишларга кенг имкониятлар яратишга кўмак беради.

Маънавий маданият жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб оловчи универсал тушунча, “илоҳий нур” бўлса, шу нурни сўндирувчи “иркит кушанда” “Оммавий маданият”дир.

“Оммавий маданият”нинг энг ҳавфли томони – у тўсатдан кириб келмайди. Аввало, жуда кичик деталлар, арзимас воқеалар орқали одамларни ўзига ўргатади, кўниктиради. Бугун кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган ва арзимас бўлиб кўринадиган кўпгина ҳолатлар тагида аслида ушбу мудҳиш иллатнинг куртаклари илдиз отмоқда, десак хато бўлмайди.

“Оммавий маданият”нинг ёвуз кўринишлари шундаки, у одамзоднинг тўғри ва холис фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Тўғри, бир қарашда “оммавий маданият” ҳурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча “илму амали”нинг негизига эътибор берилса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади.

Яна шундай миллий маданият ва санъатимизга таъсир кўрсатаётган “Одам савдоси” гуруҳи, “Терроризм” ва бошқа “турқи совуқ” маданият

вакиллари, “Ўргимчак тўри” иллатлари ёшларимиз онгу шуурини эгаллаб бормоқда.

“Оммавий маданият”ни, агар жоиз бўлса, “минг бир қиёфали” маҳлук деб атаган бўлардик. У инсон онги ва ақли, руҳияти ва салоҳиятини бутунлигича қамраб олувчи алдамчи ниқобларга эгадир. Ана шундай ниқоблардан иккитаси бугунги кунга келиб шиддат билан ўсиб бораётган глобаллашув жараёни билан уйғунлашиб кетган. Булар: одам савдоси ва терроризмдир. Айниқса одам савдоси. Бундай иш билан шуғулланувчилар худди илонга ўхшайди, шундай аврайдик, унинг тузоғидан қутилиш қийин. Айниқса, ўркашига ўраб олса, то абад домида кўрқиб яшайди инсон.

Бу асаримиз орқали инсонлардаги ёвуз иллатларни фош этиб, бунинг оқибати аянчли тугашини кўрсатмоқчимиз. Чунки, харомдан топилган пул, кимларнидир кўз ёшларига барпо бўлган уй-жой ҳеч қачон татимайди. Ҳар бир ишнинг ажри бор, дея кексаларимиз бежиз айтишмаган.

“Оммавий маданият” кишини оиласидан, ўзи яшаб турган жамиятидан, Ватанидан узоқлаштиради. Натижада, унинг таъсири остида қолган киши учун ҳеч қандай муқаддас нарсанинг ўзи қолмайди. У ўзининг тор манфаати йўлида истаган нарсадан – оиласидан, Ватанидан воз кечиши мумкин. Бу ҳолатни Бектош, Ойгул каби образлар мисолида ҳам кўрамыз.

Асар қаҳрамони Навоza онаси ва отасидан йироқда, ёш икки укаси билан қолади. Ҳаёти қийинчилик ва синовларда ўтади. У ҳам бошқа айрим енгил ҳаётни кўмсайдиган қизларга ўхшаб ёмон йўлга кириши мумкин эди. Бироқ ундаги ор-номус, масъулият хисси, укаларига меҳри кучлилигидан тўғри йўлдан юрди. Ота-онам йироқда, мени кўришмаяптию, демади. Ўз ҳаётидан кечиб укалари яхши яшаши учун елиб-югурди. Тинмай меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан пул топиб, ўз орзусига эришди. Ҳаётда ўз ўрнини, инсонлар орасида ҳурмат, оиласи олдида қадр топди. Унга озор берган душманларидан қасд олмади. Аксинча, уларга ачинди.

Унинг онаси Шакархон эса кўп қийинчиликлар кўрди. Хўрланди, қалби озор чекди. Балки шу сабабли ёки эрининг ифлос қилмишлари туфайли

хаётда, айниқса, унга озор берган, болаларини ундан йироқлаштирган кимсаларга қасдланиб қолди. Асарда Шакархон адолат ўрнатиш мақсадида улардан ўч олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун унга бир нечта қалблари конга, кўзлари оловга тўлган аёллар ёрдам беради. Бироқ бариси кўнгилсизлик билан тугайди. Қилмишлари касри болаларига уради. Бектош ва Шакархон сабаб Ниҳола вафот этади.

Навоза ҳаёти текис бўлмаган бўлсада, сабри, иродаси, меҳр-муҳаббатга тўла пок қалби сабаб ёруқ кунларга эришади.

Мавзунинг долзарблиги

Мамлакатимизда ёш авлодларга қаратилаётган эътибор, уларни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб шаклланиши юртимиз келажagini белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Ёш авлодни келажакда комил шахс бўлиб етишишида фақат давлат томонидан берилаётган эътибор ва имкониятларнинг ўзигина етарли эмас. Бу борада оиладаги тарбиянинг роли ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Асарда болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш кераклигини айрим жумлаларда таъкидлаб ўтганмиз. Шунингдек, бугунги кундаги глобал муаммо бўлган терроризм, одам савдоси ва қиморбозликнинг инсонни ҳалокатга етакловчи қирраларини ҳам очиб беришга ҳаракат қилдик.

Асар қаҳрамонларидан бири Бектош хотинини қиморда ютқазади, болаларидан йироқда уларни кўрмай ҳорликда ўлиб кетади. Тўғри, вақтида айш-ишрат қилади. Лекин бу узоққа бормади. Яйман эса қиморнинг кетидан, аёллар ортидан қувиб ўша қиморда тўплаган пуллари ва аёллар сабаб ўлдирилади. Мол дунёси ҳам фарзандига эмас ўзгаларга қолади. Бундан ташқари қасд олиш ҳам инсониятга эмас, ҳайвонларга хос иш эканлигига жуда катта урғу берганмиз. Инсон ҳамиша яхшилик қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга интилиши лозим. Биз эрксевар, одил, яхшилик ва эзгуликни улуғловчи халқмиз.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олиш билан бир пайтда, бўш вақтларимда болалар дунёсини, “Меҳрибонлик” уйи фаолиятини қизиқиб ўргандим. 2014 йил ёзги таътилда Андижон вилояти Андижон шаҳридаги “Меҳрибонлик” уйига бориб уларнинг яшаш шароити билан танишдим. Ундан ташқари мактаб, коллежда ўқиб юрган пайтларимда ҳам болалар уйида бўлганман ва у жойдаги муҳит менга анча таниш. Шунинг учун ҳам асаримда кўлимдан келганча болалар уйида тарбия топаётган болаларнинг хатти-ҳаракатларини очишга ҳаракат қилдим.

Ҳар хил муҳит, ҳар хил шароитда истиқомат қилаётган болаларнинг ўй-фикрлари, дунёқарашлари турлича бўлгани билан улардаги интилувчанлик, фикрлаш қобилияти тубдан фарқ қилишига амин бўлдим. Асар қаҳрамонларига ўхшаш ёш бўлишига қарамай, турли муаммолар гирдобида қолаётган фарзандларнинг руҳиятида кечаётган ўзгаришлар уларнинг шахсияти камолига таъсир кўрсатмай қолмайди. Улардаги ҳозирданок шаклланаётган ўзига хос характерлар ана шу атроф-муҳитдаги барча воқеа-ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирганлигини болалар билан ўтказган суҳбатларимда аниқ намоён бўлди. Ундан ташқари дадам орган ҳодими бўлганлиги учун болалигимдан бу соҳага менда қизиқиш кучли бўлгани учун маҳбуслар фаолиятини ҳам ўргандим ва шу вақтларда бўлиб ўтган воқеаларни асарда ёритиб ўтишга ҳам ҳаракат қилдим.

Асардаги кўп образлар реал ҳаётда учрайди. Шунингдек, асарда бўлиб ўтадиган суд жараёнлари ҳақидаги маълумотларни ҳаққонийлаштириш учун ИИБ жиноят қидирув бўлимидан ҳам кўрсатмалар олдим.

Мақсад ва вазифалари

Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётган “Одам савдоси”, “Гиёҳвондлик”, “Оммавий маданият”, “Маънавий кашшоқлик”ни олдини олиш билан бир қаторда, Республикамизда ёш авлод тарбияси, уларнинг камоли йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликларни тарғиб қилиш орқали катталарни янада хушёрликка чорлаш ва болаларга кўпроқ эътиборлироқ бўлишга чақиришни мақсад қилиб олдик. Зеро, фарзандларга бўлган эътибор бу – келажакка бўлган эътибор бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир нарсада меъёр устунлик қилса, ҳаётимиз янада жозибалироқ кўринади. Айниқса, адолат тамойилларига оилаларимизда амал қилинса, ўзаро мунозаралар, тортишувлар, уруш-жанжаллар кам бўлади. Болалар етим бўлмайди. Чунки эрнинг аёлига ўта қаттиққўллик қилиши, куракда турмайдиган чекловлар самара бериши мушкул. Ҳудди Абдулла Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин” ҳикоясидаги паранжи ичида кўчага чиқмай юрган аёл каби охир оқибат шармандаликка юз тутиши аниқ. Ахир, у аёл паранжи ичига беркиниб ҳам фахш ишларини қилди. Барча ғийбат қилган кўшни аёл ҳикоя охирида оқила, пок аёл бўлиб чиқди-ку.

Демак, одам савдоси, қиморбозликни олдини олиш учун энг аввало оилаларда тарбия ишини кучайтиришимиз лозим экан. Бунинг учун ота-оналар ёшликдан болаларига тўғри тарбия беришлари лозим. Ёш ниҳолни парваришлаган сингари оилаларда меъёр қоидаларига риоя қилинса, у тўғри ва баркамол бўлиб ривожланиши, улғайиши шубҳасиз.

Асар композицияси

Кириш

Навоза онаси Шакархон сафарга кетиши туфайли укаси ва синглиси билан болалар уйига бориши.

Тугун

Навоза болалар уйида синглиси сабаб ёши катта эркакка турмушга чиқиши.

Воқеалар ривож

Навоза Дилёра кўмагида болалар уйдан укалари билан қочишга муваффақ бўлади. Шакархон опа эрининг макри билан Яйман исмли эркакка сотилади. Навоза бу ёқда укаларини боқиш учун Қахвахонада тинмай ишлаши.

Кульминация

Навоза синглиси Ниҳолани қутқариш учун бошлиғи Бедилдан пул сўрайди ва орадан бир неча кун ўтгач, Навозани ишидаги хоналардан биридан оғзини беркитиб олиб чиқиб кетиши ва Шакархоннинг қамоқдан чиққанидан сўнг уни хўрлаганлардан қасд олиш учун аёлларни йиғиб гуруҳ тузиши.

Ечим

Асар охирида Навозани уни ёқтириб қолган Орзимурод қизни разил кимсалардан қутқариш учун олиб чиқиб кетганлиги фош бўлиши ва Шакархон опа ва Бектош уларнинг шериклари қилмишларига яраша жазоланиши. Шунингдек Навоза Ниҳола вафот этганига қарамай, яшашга

интилиб, Орзимурод кўмагида кўргазмалар зали очиши билан барча қаҳрамонлар ҳаётида бахт ва адолат тўла бўлмасада қарор топиши.

Асарнинг қисқача мазмуни

Шакархон опа эри сабаб ноиложликдан фарзандларини кўзи қийиб-қиймасдан болалар уйига ташлаб чет элга ишлаш учун кетади. Эри Шакархонни алдаб-сулдаб Ойгул билан биргаликда, Яйманга қиморда ютқазиб қўйгани учун сотади. Шакархон, Яйманни Ойгул қасддан ўлдирган бўлишига қарамай, айбдор деб топилади. Адвокатнинг сўзларига ишонган аёл қамалади.

Навоза онаси ташлаб кетгач, болалар уйида Ойқиз Эрсенбоева сабаб кўп бора хўрланади, таҳқирланади. Бироқ Дилёра исмли тарбиячи аёл туфайли у ердан кетишади. Укалари билан ўз уйларида яшаши. Навоза Қахвахонада ишлайди. Укаларини ҳалол луқма едириб, катта қилади. Ўқишга киришларига кўмаклашади.

Бектош Шакархон қамалгач, бойликка ўзи эришади. Бунга Ойгул кўмаклашади. Иккиси бир-бирига ошиқлар. Шакархон қамокдан қамокхона бошлиғига кўрсатган кўмагидан сўнг, қамокхона бошлиғи унга адвокат ёллаб озодликка чиқаришга ҳаракат қилади. қамокдан чиққач, уй-жойидан маҳрум бўлганини билиб ночор қолади. Бироқ қамокхонада танишган бир аёл туфайли яна оёққа тура бошлайди.

Бектош Ойгул ва бир неча олчоқлари ила одам савдосини йўлга қўйишади. Бектошнинг бир шиори бўлади: “Пулни кўрганда фаришта ҳам имондан кечади” деган, бу гапни кўп бора амалда қўллайди. Қимор ўйини унинг жону дили бўлиб, кўп бора қиморда ютқазади.

Навоза кўп қийинчиликларни бошидан кечирази. Айниқса, синглиси Ниҳоланинг саратон касалига чалинганлиги сабабли Қахвахона хўжайинидан қарз олишига тўғри келади. Навоза синглисига пул топиб касалхонага келади. Бироқ, синглиси операциядан чиқмайди.

Саркор ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича ўқишга киради. Унга ҳам Навоза кўмаклашади. Саркор ўқишни битиргач, Суд органларида фаолият юритади. Суд жараёнларида катнаша бошлайди. Ўз онасини танимаган ҳолда, суд ишида катнашади.

Шакархон алданган, ҳўрланган аёлларни йиғиб гуруҳ ташкил қилади. Уларнинг мақсади, эрларидан уларга зуғум қилганликлари учун қасд олиб, эркинликка эришишга ҳаракат қилишади. Улар бу йўлда қон ҳам тўкадилар ва охир оқибат қамаладилар. Ҳамма Шакархон опани судда чет эллик Севинчхоним деб ўйлайди. Шу сабаб, Саркор онасини танимайди. Лекин Шакархон ўғлини таниб, барча айбни ўз бўйнига олади. Ўғли уни таниб қолиб, келажагини барбод қилмаслиги учун ўз жонига қасд қилади.

Бектош ҳам Ойгулга барча пулларини қолдириб, ўз жонига қасд қилади. Ўзини ўзи ёқиб юборади.

Навозани Қаҳвахонада иш қилаётган пайтда кимдир ортидан келиб оғзини беркитиб олиб кетади. Бироқ асар охирида Навозани Орзимурод разил кимсалардан қутқариш учун олиб кетгани маълум бўлади. Навоза кўп қийинчиликлардан сўнг ёруғ кунларга эришади. Ўзи орзу қилган каштачиликни йўлга қўйиб, кўргазма ташкил қилади. Бироқ, ҳамон оналарини топишни умид қилиб яшашади.

Асар қаҳрамонларига характеристика

Шакархон (Севим) – 38 ёшлар атрофида. Жуда ҳам гўзал аёл. Ҳаётда кўп бора қийинчиликлар кўрган. Эрига итоаткор. Бироқ баъзида жуда шошиб қарор қабул қилади. Ишонувчан, содда, маълумоти ўрта махсус. Фарзандларини жуда севади. Улар учун ҳар ишга тайёр.

Навоза – Шакархоннинг катта қизи. Каштадўзликка жуда қизиқади. Онаси ва укаларини яхши кўриб улар учун бор кучи билан меҳнат қилади. Содда,

меҳрибон, кўнгли очик самимий инсон. Шунингдек, шоира. Шеърлар, ҳикоялар ёзади. Ажойиб ҳаёлпараст. Тоғдек ғурури бор. Ор-номус у учун жуда юксак қадрга эга.

Саркор – Шакархоннинг ўғли. Беғубор, қатъиятли, одобли, ақлли бола. Ватанини жуда севади. Қонун у учун оиласиданда муҳим. Адолатли, меҳрибон ука. Опаси ва синглисининг ишонган тоғи.

Ниҳола – Шакархоннинг кичик қизи. Беғубор, ўта фаросатли, содда қизалоқ. У ҳам ака ва опаси каби меҳрибон ва жуда кўп қийинчилик кўрган. Шифокор бўлишга қизиқади. Одамларга яхшилик қилиш у учун энг олий иш ҳисобланади.

Бектош – Шакархоннинг эри. Исми каби юраги ҳам тош. Бемехир, қабоҳат ботқоғига ботган кимса. У учун пул ҳар нарсадан ҳатто оиласидан ҳам муҳим. Пул учун имонини ҳам сотади. Қиморбоз. Аёлларни пуллаб даромад кўради.

Яйман – Чет эллик ҳаридор. Катта қиморбоз. “янги гуллар” ни севади. Эскириб сўлиб қолса бошқа ҳаридорга сотиб юборадиган, даллол. Бизнесмен ва жуда бой. Бектошнинг шерикларидан бири. Оиласини қадрлайди. Бир оз лақма, бироқ ишига жуда пишиқ.

Шефко – Яйманнинг ўғли. Ёлғиз ёдгори. Ақлли бола.

Сафо – Қиморбоз. Бектошнинг шерикларидан. У учун қимор ҳаёти мазмунига айланган.

Бедил – қаҳвахона бошлиғи. Виждонсиз, қабих инсон. Ҳаммани пул билан сотиб олиш мумкин, деб ўйлайди.

Муҳам – Бектошнинг югурдаги. Ўта кетган муҳомбир, айёр, туллак инсон. Пул учун имонини ҳам сотади.

Маҳам – У ҳам югурдак. Қиморни жуда яхши ўйнайди. Ишни кўзини биладиган, туллак инсон. Аёллар савдоси билан шуғулланади. Дўпписини олиб кел деса бошини олиб келадиганлар тоифасидан.

Ойгул Эрсенбаева – Бектошнинг хуштори ва шериги. Аёлларни Ўзбекистондан ва бошқа юртлардан алдаб, бой инсонларга пуллайди. Виждонсиз, имонсиз, ўта кетган разил аёл. Тўғрироғи аёл қиёфасидаги иблис.

Ойқиз Эрсенбаева – Болалар уйи мудираси. Ойгулнинг опаси ва хамтовоғи. Пул у учун сув ва ҳаво. Ўзидан пастдагиларни маънан эзишни ва устидан кулиб, ҳукмини ўтказишни ёқтиради.

Дилёра – Болалар уйи тарбиячиси. Меҳрибон, оқкўнгил аёл. Болаларни жуда яхши кўради. Улар учун борини аямайди. Жасур, касбига содиқ инсон.

Аёл – Ойқиз Эрсенбаеванинг шериги. Ожиза, ҳеч кими йўқ қизлар устидан даромад қилиб юрувчи қалби мажруҳ аёл.

Орзимурод – Навозани ёқтирган йигит. ИИБ ходими. Жиноят қидирув бўлими ходими. Меҳрибон, ишда адолатли, касбига содиқ йигит.

Бобир – Орзимуроднинг дўсти. У ҳам ИИБ ходими. Одам савдоси бўйича фаолият юритади.

Бону – Қамокхонадаги маҳбус аёл. Мард, ўз сўзига эга аёл.

Зарина – Шакархоннинг ёрдамчиси. Ҳаётда кўп қоқилган, чиройли, итоаткор аёл. Ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга бел боғлаган аёллардан бири. Бироқ нотўғри йўлни танлаб, адашган аёл.

Тиллахон – Шакархоннинг дугонаси. У ҳам алданган аёллардан. Журъатли, Шакархонга жуда содиқ.

Келин – алданган аёл. Фарзанд, алдов, хиёнат ўчоғида ўз ёғига қоврилаётган аёллардан.

Шифокор – бош мия касалликлари бўйича жарроҳ. Ўз касбини устаси.

Адвокат Маҳмуд – Қонун ҳимоячиси. Оқ кўнгил инсон.

Қамоқхона бошлиғи – Меҳрибон инсон. У учун инсон қадри баланд. Яхшиликни унутмайди, ҳаромдан хазар қилади.

Зайнаб – Чет эллик аёл. Шакархоннинг уйини сотиб олган ҳаридор.

Судья – Саркорнинг устози. Адолатли, ўз ишига маъсулиятли инсон.

Прокурор – Касбига содиқ, ишини қадрловчи, ҳақиқатпеша инсон.

Воқеа бир неча йиллар оралиғида бўлиб ўтади.

Ишнинг тузилиши

Ушбу малакавий битирув иши икки қисм: асарнинг таҳлили ва асарнинг тўлиқ шаклидан иборат. Шунингдек, фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. Ишнинг умумий ҳажми 58 бетдан иборат.

Хулоса

Мен ушбу киносценарийни ёзиш жараёнида ҳозирги болаларнинг ички кечинмалари, ўй ҳаёлларини ўрганиш билан бирга, ўз болалигимни ҳам кўз олдимга келтирдим. Асарда мен ҳаётимда кўрган-кечирган кўп воқеаларни ёздим. Тўғри, асаримда реалликдан узоқлашишлар ҳам тўқима образлар ҳам бор. Бироқ инсонларнинг ўртасидаги зиддиятлар, пул учун уларнинг қилаётган қабих ишларини очиб беришга қўлимдан келганча ҳаракат қилдим.

Айниқса бугунги кунда поклик тимсоли бўлган аёлларнинг қилиб юрган ишлари жуда ҳам ачинарли. Улар биз учун она. Ахир жаннат оналар оёғи остида деб кўп бора таъкидлашган бўлишсаю, уларнинг қилиб юрган фахш ишлари-чи? Тўғри беш қўл баробар эмас. Оқила, доно аёлларимиз ҳам жуда кўп.

Асаримда ўз эрларидан, яқинларидан хўрланган, таҳқирланган аёлларни, алданган қизларни ўз эркинликлари учун курашишларини, ҳаёттан адолат қидиришларини ёрқин мисралар ила ёритишга уриниб кўрдим. Бироқ аёлларнинг мақсадалари юксагу, танлаган йўллари хато эди. Шу сабаб бариси халокат томон қадам қўядилар. Ақиллари кеч кириб, кўзлари бошлари деворга текканда очилади.

Шу билан бирга болалар уйи фаолиятини ҳам ёритиб, у ердаги айрим давлатимизни кўрсатаётган ғамхўрлигидан ноўрин фойдаланаётган кимсаларни ҳам кўз илғар-илғамас даражада бўлсада асаримда ёритишга ҳаракат қилдим..

Асарда шунингдек одам савдоси, қиморбозликнинг охири вой эканлигини, ундай иш билан шуғилланаётган кимсалар оҳир оқибат ўзлигидан айрилишини айрим қаҳрамонлар мисолида кўрсатиб ўтдим.

Менинг хулосам шуки, биз қаерда бўлишимиздан қатий назар аслида ким эканлигимизни, маданиятимизни унутмаслигимиз лозим. Ҳамиша яхшилик қилиб, эзгуликка интилиб яшайлик. Ҳамда бугунги кун ёшлари нечоғлик ақилли, уддабурон, ҳаққини таний оладиган инсонлар бўлиб вояга етаётганлигини ҳам ўз хулосамда айтиб ўтмоқчиман. Бу асарни ёзиш билан энг муҳими мени анчадан буён қийнаб келаётган мавзуга оид қалам тебратишдек бахт насиб этди.

Акбарова Зулхумор

*Пул учун чиқинди титиб юрадиган
инсонлардан жирканманг, ор қилманг.*

*Кўнгилхушлик учун хиёнат қилиб,
қалбларни титиб юрадиган инсонлардан
жирканинг, ор қилинг!*

ЎПҚОН

(Драма)

Киносценарий

Қатнашувчилар:

Шакархон (Севим) – 34 ёшлар атрофида, гўзал аёл

Навоза – катта қизи

Саркор – ўғли

Ниҳола – кичик қизи

Бектош – 35 ёшлар атрофида, Шакархоннинг эри

Яйман – Чет эллик тадбиркор. Катта қиморбоз

Шефко – Яйманнинг ўғли

Сафо – қиморбоз

Бедил – қаҳвахона бошлиғи

Муҳам

ака-укалар, Бектошнинг олчоқлари

Маҳам

Ойгул Эрсенбаева – Бектошнинг жазмани

Ойқиз Эрсенбаева – Болалар уйи мудираси

Дилёра – Болалар уйи тарбиячиси

Аёл – Ойқиз Эрсенбаеванинг шериги

Орзимурод – Навозани ёқтирган йигит. ИИБ ходими

Бобир – Орзимурод дўсти

Бону – қамоқхонадаги маҳбус аёл

Зарина – Шакархоннинг ёрдамчиси

Тиллахон – Шакархоннинг дугонаси

Келин – алданган аёл

Шифокор

Адвокат Маҳмуд

Қамоқхона бошлиғи

Зайнаб

Судья

Прокурор

Сценарийда яна бир нечта қизлар ва йигитлар ҳам иштирок этади.

Йўл. Бино. *“Истиқлол” номли «Меҳрибонлик» уйи. Бир аёл ўғли ва икки қизини етаклаб, йўл ёқасида келмоқда.*

Навоза. Ойи, кеча кечқурун айтган жойингизга кетяпмизми?

Шакархон *(боши билан “тасдиқ” ишорасини қилиб).* Мен сафарга бориб келишим керак. Ўзинг биласан, даданг ҳам сафарда. Сизларни қолдиришга бирор бир яқин инсонимиз йўқ. Мен ва даданг ўзларингга маълум, болалар уйида катта бўлганмиз. У ер ҳақида сизларга айтиб берганман, жуда яхши жой. Шунинг учун сизларни ҳам ўша жойга олиб кетяпман, ахир ўзларингни ёлғиз ташлаб кета олмайман-ку? Бирор дўстларимизникига ташлаб кетай десам, уларни ҳам билиб бўлмайди. Шунга хув анави, кўраяпсизларми? *(Болалар уйини кўрсатиб.)* Ана шу ерда бир оз яшаб турасизлар. Хўпми оппоқларим... *(Болалар ерга қарашади.)* Кейин ўзим олиб кетаман! Фақат хафа бўлманглар *(бошларини силаб.)*

Нихола *(пичирлаб “Болалар уйи” сўзини ўқиб).* Болалар уйида ўртоқлар кўп бўлса керак. Мазза қилиб ўйнайман, фақат илтимос, кўп қолиб кетманг... сизни соғинаман *(белидан қучоқлайди.)*

Саркор. Нега фақат сен соғинар экансан? Мен ҳам, опам ҳам уларни соғинамиз... *(Йиғламсираб.)* Бизни олиб кетгани келасиз-а, ойижон? Лекин, мен кўрқаяпман...

Шакархон. Нега оппоғим? Кўрқманглар... Опаларингиз ёнингизда бўлади....

Саркор. Ахир болалар уйи ёмон дейишади-ку? Ойи у ерда бизни уришади... *(Шакархон опа юзини қўллари билан беркитиб олади.)*

Навоза *(Ойисини йиғлаётганини сезиб).* Саркор эсингдами, болалар уйи ҳақида бир фильм кўргандик? Унда болалар уйида тарбияланганлар жуда яхши эди, ойим ҳам, дадам ҳам кўп бор яхши деб айтишган-ку! Кейин у ерда ўйинчоқлар жуда кўп, айниқса, машиналар...

Саркор (*севиниб*). Ростданми? Унда майли қоламан. (*Ойисига қараб*.) Фақат тезроқ қайтинг... Сизга ҳам ўйинчоқларимдан олиб қўяман...

Шакархон. Албатта болажонларим... сизларни олиб кетгани келаман... (*Кўз ёшларини артиб, маъюс оҳангда*.) Мажбур бўлмаганимда сизларни ҳеч қачон ташлаб кетмас эдим... (*Аста ўғлини қучоқлаб*.) Ўзимнинг қуёшим (*кичкина қизини ўпиб*.) Чиройли Ниҳолам (*катта қизини бошини силаб*). Ақлли, меҳрибон қизим Навозам... укаларингни сенга топширдим. Сенга ишонаман. Иродали қизсан!

Навоза (*тифроқ товушида*). Хўп ойижоним. Уларни асраб-авайлайман... улар учун ҳаётимни ҳам қурбон қиламан. Сизга ваъда бераман... (*Ҳаммалари яна қучоқлашади*.)

Шакархон. Раҳмат она қизим! Сенга ишонаман! Биламан уларни жуда ҳам яхши кўрасан! Лекин ҳаётимни ҳам қурбон қиламан деган гапларни қаердан ўргандинг, она қизим? (*Баъзўр кулиб*.)

Навоза. Киноларда, онаси ёки бирор яқин инсони кетаётганда, буларни сенга топширдим деса, шунда, улар учун жонимни ҳам қурбон қиламан дейди-ку...

Шакархон. Вой ўзимнинг ақлли қизим! Шеърлар ҳам ёзиб тургин. Келганимдан сўнг албатта китобингни чиқарамиз!

Навоза. Хўп бўлади, ойижон...

Экранда осмон, сўнгра йўл бўйидаги дарахтлар манзараси гавдаланади. Майин ёмғир ёғади. Сўнгра яна аёл болалари билан кўринади. Шакархон болаларини қайта-қайта қучоқлаб ўпади. Кейин болалар уйи томон юришади. У ерда бир тарбиячи аёл болаларни кутиб олади. Болалар ортига қараб-қараб бинога кириб кетишади. Осмонни қоп-қора булутлар қоплайди. Кучли ёмғир ёға бошлайди. Чақмоқ, момақалдироқ товушлари эшитилади.

2.

Туркия, Истамбул. Ҳашаматли уй.

Яйман уйидаги хоналардан бири. Уйдаги деворда Шакархонга ўхшаши аёл сураги туширилган расм илинган. Фақат сурагидagi аёл виқорли ва юзида холи бор. Расмга эркак қараб турибди.

Яйман (қўлидаги картани столга ташлайди). Севим, Севим сени жуда соғиндим. (*Эшик очилиб, ёш бола келади.*) Келинг Шефко оға.

Шефко. Дада, ойим қачон сафардан қайтади?

Яйман. Қайтади ўғлим, қайтади. Фақат сен озгина катта бўлгин.

Шефко. Кўп-кўп овқат еб, тез ўссам, қайтадимми?

Яйман. Қайтади ўғлим, қайтади... (*Болани бағрига босади.*)

3.

Бектош бежиримгина хонада, қўлида телефон. Кимгадир қайта-қайта телефон қилиб, у ёқдан бу ёққа юрмоқда.

Бектош. Нега телефонини кўтармайди-я?! (*Телефонни кўтаради.*) Алло... алло телефонни кўтаришинг бунча қийин!.. Яхши... яхши... камроқ гапир. Ҳозир мен айтган жойдамисан?.. Баракалла. Мени эшит, олдингга Ойгул деган аёл боради. У паспортингни ва самолётга билет олиб боради... олгинда тезда йўлга чиқ. Етиб келганингдан сўнг қолган гапни гаплашамиз. (*Телефонни ўчиради, сўнгра хона бурчагидаги диванга келиб ўтириб, очиқ эшик томонга қараб.*) Муҳам, Маҳам тез бу ёққа кининглар!

Муҳам (*Эшикдан кириб*). Лаббай! Оғам...

Маҳам. Хизмат! Оғам...

Бектош. Хабарларинг бор, Ойгул бир аёлни олиб келаяпти...

Муҳам. Бўлди тушунарли... у аёл сиз билан гаплашаётганда доимгидек “кола” олиб кирамиз. Сўнг...

Маҳам. Яйман жанобларини унинг ёнига киргизамиз... (*Қўл ташлаб, кулишади.*)

Бектош. Эй хом каллалар, аввал гапни охиригача эшитларинг. Келаётган мени синглим.

Муҳам. Узр, узр оға.

Маҳам. Узр оға.

Бектош. Муҳам-Маҳам, ўйинга тайёргарлик кўрларинг. Бу гал “Чаёнлар” тўдасининг бошлиғини шахсан ўзи ташриф буюради...

Муҳам. Хўп бўлади босс! Бажонидил. (Кетади.)

4.

Болалар уйи. *Навоза укасининг ётоқхонасидаги диван ёнига ўтириб, эртаси айтмоқда.*

Навоза. Шундай қилиб, қиз жуда ҳам кўп касал бўлгани учун, шифокор бўлишга қарор қилибди ва ўқишга киришга тайёрлана бошлабди.

Ниҳола (*опасини сўзини бўлиб*). Опажон унда мен ҳам шифокор бўламан. Ахир мен ҳам жуда нимжонман, кўп касал бўламан-ку...

Саркор. Мен судья бўламан... ёмонларни қамайман...

Навоза. Ўзимнинг ақлли укажонларим! (*Уларни эркалаб қучоқлайди.*)

Саркор. Опа сизчи? Сиз ким бўласиз? Катта бўлганингизда...

Навоза (*бир оз ўйланиб*). Мен... мен... бахтимга сизлар ўқисангиз бўлди. Мен сизларни ўқитаман. Кейин, менга сизлар кўмаклашасизлар...

Ниҳола (*гапини бўлиб*). Кейинчи опа, у қиз шифокор бўлибдими? (*Кўзларини ишиқалаб.*)

Навоза. Кейин, у қиз жуда кўп китоблар ўқий бошлабди, тунни-тун, кунни-кун демабди. Тиббиёт коллежига ўқишга кирибди, у ерни тамомлаб, албатта жарроҳ бўламан деб... эшитяпсизларми? (*Укаларига қараб.*) Яна эртагим тугамай, ухлаб қолишди. (*Укасининг устини ёпиб, қўлидаги китобни стол устига қўйиб, синглисини кўтариб чиқиб кетади.*)

5.

Бектошнинг уйи.

Маҳам, Муҳам, Яйман ва яна бир нечта йигитлар қимор ўйнаб ўтиришибди.

Яйман (*Бектошга бир қараб*). 500 000 лира.

Бектош. Мен ҳам.

Сафо (*қартасини очиб*). Йигирма саккиздан ошгани олади.

Бектош. Йигирма тўққиз.

Яйман. Ўттиз бир.

Сафо. Ҳа, бир пайтлар ўзим сенга ўйин сирларини ўргатган эдим.

Яйман. Сайфо оға, мени сузишни ўрганишим учун жўнатгандингиз, бироқ денгизингиз шўнғишга ҳам ўргатди.

Сафо. Кўплаб усулларни машқ қилаётгандан эмас, бир усулдаги машқни такрорлайверадигандан кўрқиш керак.

Яйман. Шунақа доно сўзларингизга борманда.

Бектош (*Муҳамга*). Суз.

6.

Болалар уйи боғи. Ниҳола ва Саркор тўптош ўйнаб ўтиришибди.

Тарбиячи Дилёра улар ўйнаётган жойга келади.

Дилёра. Менинг эркатойларим нималар қилишяпти?

Ниҳола. Мен акам билан зўр ўйин ўйнаяпман. (*Қўлларидаги тошларни кўрсатиб.*)

Дилёра. Баракалла оппоқ қизим! (*Навозага*). Сенчи қизим?

Навоза (*боғдаги гулларни кузатиб, нимадир тикиб ўтирибди*). Ўзим шунчаки...

Саркор. Опам кашта тикяпдилар. Улар ҳам худди ойимдек... *(Йиғламсираб.)*
Кашта тикадилар.

Нихола *(йиғлайди, Саркор ҳам унга қўшилиб йиғлаб юборади).* Ойи, ойижон.
Қачон келасиз? Сизни жуда ҳам соғиндик.

Навоза *(ўзини аранг йиғидан тийиб, уларни маҳкам бағрига босади.)* Бўлди...
мен ёнингиздаман-ку... сизларни ҳеч қачон йиғлатмайман деб, ойижонимга
сўз берганман. Нима, мени ваъдамни бузишимни хоҳлайсизларми? *(Кўз*
ёшларини артиб.)

Укалари. Йўқ... йўқ опагон. *(Опасини қучоқлайдилар.)*

Дилёра *(бир четда).* Бечоралар... шундай болаларни қандай ташлаб кетишар
экана... эҳ, ота-оналар... кимдир тирноққа зор, кимдир эса... ахир буларни
уволи бир кун келиб тутади-ку! *(Уларга қараб туради.)*

7.

Болалар уйи ётоғи. Навоза ва синглиси ухлаб ётишибди.

Навоза *(уйқусираб).* Ойи... ойижон... тегманглар ойимга. *(Тушига ойиси*
қиради. Ойисининг атрофини қўрқинчли маҳлуқлар ўраб олиб, айланишмоқда.
Шакархон бир бурчакда, қоп-қора кийимда қўллари билан юзини тўсиб
ўтирибди... Ойижон, кетманг! Бадбашара маҳлуқлар ойисини олиб
кетишади.) Кетманг!... *(Терга ботиб кетган, чўчиб уйғонади.)* Ойижоним!
(Йиғлаб.) Эй художон, ойижонимни ўзинг асрагин. *(Ўрнидан туриб ёнидаги*
синглисига ва дераза ойнасидан укасига бир-бир қараб, яна жойига ётади.)

8.

Бектошнинг уйи. Шакархон ва Бектош.

Шакархон. Эрим бўла тўриб, қайси юз билан бу гапларни айтяпсиз?

Бектош. Ахир тушунсангчи жоним, уни хотини ўлган... мана қарагин.
(Шакархонга расмни тутқазади. Шакархон қотиб қолган.)

Шакархон. У билан бир тўшакда ётаману, сиз қандай чидайсиз?

Бектош. Мажбурман.

Шакархон. Мен эса йўқ.

Бектош. Мажбурмиз, ахир болаларимизни ўқитишимиз керак. Уй-жойли қилишимиз керак.

Шакархон. Бектош ака, қочиб кетайлик. Уйга кетайлик...

Бектош. Кетолмаймиз, ишлаб топган пулларимни ҳаммасини ютқаздим, уни устига қарз ҳам бўлдим, агар қарзни узмасам, мени ўлдиради.

Шакархон. Нега ўлдираркан? Дунё бесўроқми?

Бектош. Соддасан-да, соддасан, бу ер сенга Ўзбекистонмас. Бу ерлар сен билан менга ўхшаганларнинг мингтасини бурни билан ютиб юборади.

СУКУТ. Менинг режам бор, Ойгул аллақачон ишни бошлаб юборган.

9.

Яйманнинг уйи. Яйман ва Шакархон.

Яйман. Шакархон туркчани қаердан ўргангансиз?

Шакархон (қалтираб). Турк қўшниларимиз бўлган. Турклар жуда кўп.

Яйман. Бизда ҳам ўзбеклар кам эмас. Олдин турмуш қурганмисиз?

Шакархон. Ҳа.

Яйман. Ажрашдингизми?

Шакархон. Йўқ.

Яйман. Унда...

Шакархон. У ўлди.

Яйман. Яхши. *(Шакархонга яқин келади. Шакархон Яйманни итариб юборади. Шу пайт қўлида сув билан Ойгул кириб келади ва секингина Яйманга кўзини қисади.*

Ойгул. Шакархон, сувдан ичинг.

Шакархон (ийглаб). Мени олиб кетинг.

Ойгул (*Яйманга қараб*). Афандим, юзингизни ювиб келинг. (*Яйман ташқарига чиқади.*) Менга кара, ковун тушириб ўтирма. Нима деса шуни қил, тушунарлими?

Шакархон. Опажон, мени олиб кетинг.

Ойгул. Ўчир овозингни, опа эмиш. Майли, ма мана бу сувни ич... охиригача. Ана бўлди. Шу ерда ўтир, мен Яйманга айтаман, сенга тегмайди. Сухбат куриб ўтирасизлар. (*Ойгул чиқиб кетади. Шакархоннинг боши айланади. Яйман кириб келади.*)

Тун. Экранда осмон тасвири. У зўёки қопқора чопонини кийиб олган. Ой ва юлдузлар ҳудди бир нимадан чўчигандек бу тун нурли чехраларини кўрсатишмади.

Ногоҳ бирданига шамол туриб, дарахтлар аста силкина бошлашди. Катта бақувват дарахтнинг тагида бир нечта мушуклар қоп-қора кушни талашиб, тортишиб ейишмоқда.

10.

Тонг. Шакархон Яйманнинг ётоқхонасидан бир аҳвол бўлиб чиқади. Яйман уйқуда. Ойгул кўринади.

Ойгул. Мазза қилиб дам олдингизми Севим хоним?

Шакархон. Ифлос, сени ўлдираман. (*Ойгул Шакархонни бўғиб олади ва деворга тирайди.*)

Ойгул. Агар болаларингдан умидинг бўлса, мен нима десам шуни қиласан. Ёки болаларингни ортиқ нафас олишини истамайсанми? Ойгул ва Ойқиз Эрсинбаева бу номлар сенга танишдира?

(*Шакархон кўзини жим юмади, киприкларини пирпиратиб очади, кўзида ёш. Ойгул Шакархоннинг ёқасини аста силаб қўяди.*)

Сизга оғамиз марҳамат қилади, сиз Севим хоним бўласиз. (*Истеҳзоли кулиб.*) Битта хол кўйиб, қуюқроқ пардоз қилсангиз бўлди. Паспорт ҳам тўғрилаймиз.

Шакархон. Қачон қутуламан?

Ойгул. Тез орада. Аллақачон қон қусишни бошлаган. Шифокор ҳам ўзимиздан. Унга ошқозон хасталиги ташхисини қўйган.

Шакархон. Агар болаларимга бир гап бўлса ҳаммангни ўлдираман.

Ойгул. Сиз ҳамма айтганимизни қилинг, шунда болаларингиз соғ ва бекаму-кўст яшайди.

11.

Орадан уч йил ўтди. Болалар уйи. Болалар уйи мудираси Ойқиз Эрсенбаева билан Навоza.

Ойқиз. Навозахон, ўзимнинг асал қизим. Ўзинг жуда ҳам ақлли, чиройли қизсан. Сенга уйланмоқчи бўлган йигит атиги... ҳали ёш, бирам чиройли, уни устига жуда ҳам бой. Тегсанг шундай инсонга тегасан-да. Бундан ортиғини қаердан топасан. (*Секин ёнига.*) Сен етимчани ким ҳам оларди...

Навоza. Раҳмат опагон. Бизга жуда ҳам меҳрибонсиз... лекин, мен эндигина 18 ёшдаман. Ҳали укаларимни ўқитишим керак... ҳали тайёrmасман! Узр... боришим керак. (*Ўрнидан туради.*)

Ойқиз (*жаҳл билан*). Тегасан! Йўқ десанг ҳам, хўп десанг ҳам тегасан... Унутма, сенларни ким боқаяпти? Мен! Мен бўлмасам онангга ўхшаб кўчада фоҳишалик қилиб юрар эдинг...

Навоza (*алам устида*). Нима дедингиз? Онамнинг номини тилингизга олманг! Улар ҳалол меҳнат қилиб ишляптилар! Тегиш керак бўлса, ўзингиз тегинг! Кейин бу жойни сиз эмас, давлат қурган. Бизни Юртбошимиз боқмоқда... Керак бўлса, мен сизни устингиздан арз қиламан. (*Ўрнидан туриб, эшикни ёпиб кетади.*)

Ойқиз. Ҳали шошмай тур! (*Гезарганича қараб қолади.*)

Дилёра. (*Навозани югуриб кетаётганида, йўлини тўсиб.*) Нима бўлди? Сени ким хафа қилди? Сени ҳеч ҳам бундай ҳолатда кўрмаган эдим...

Навоза (*йигламсираб, уни қучоқлайди*). Опажон, мени бундай қабохатдан кутқаринг!

Дилёра (*сочларини силаб*). Бўлди жоним қизим! Сен хонангга киравер. Ҳозир кираман, гаплашамиз хўпми? (*Навоза кетади.*)

12.

Яйманнинг уйи. Кеч. Ойгул билан Шакархон.

Шакархон. Уч йилдан бери ит азобидаман, қачон ўлади ахир?

Ойгул. Оз қолди, яна бир оз чиданг.

Шакархон. Тезроқ ўлдира қолинг, кўпроқ заҳар беринг, тезроқ шу жаҳаннамдан кетгим келяпти. Болаларимни соғиндим. Тушунинг ахир.

Ойгул. Афсус, бола туғмаганман, сени тушунолмаймаман... (*Шакархон йиглайди.*) Мана буни ичиб ол. (*Шакархон Ойгулни қўлида турган стакандаги сувга қарайди.*) Қўрқма, сени заҳарлаш ниятим йўқ. (*Шакархон сувни ичади. Қўнғироқ чалинади.*) Ўзим очаман. (*Чиқиб кетади.*)

13.

Эшик олдида.

Ойгул. Хуш келдингиз, Яйман оға!

Яйман. Хушвақт бўл.

14.

Ётоқхона. Ўринда Шакархон ётибди. Яйман келиб уни қучоқлайди.

Шакархон. Илтимос тегманг, уйқум келяпти.

Яйман. Хўп жоним.

(Шакархоннинг кўзидан ёш оқади. Эшик тақиллаб Ойгул кириб келади.)

Ойгул. Бей афандим, дорингиз.

Яйман. Барибир фойдаси йўқ.

(Ойгул чиқиб кетади.)

15.

Тонг. Болалар уйи боғи. Куз фасли. Атроф тилла рангга бурканган.

Навоза *(доимгидек шеър ёзиб ўтирибди).* Қаеридир ўхшамади...

Дилёра *(оҳиста келиб).* Нима қияпсан... о шеър ёзаяпсанми?

Навоза. Ассалому алайкум, опажон. Келганингизни сезмай қолибман, яхши дам олдингизми?

Дилёра. Оллоҳга шукр! Шоира қизим, қара, бугун ҳаво анча яхши кўринади-я... қани яна нималар ёздинг! Ўқиб берчи...

Навоза. Шеър ёздим. Яна доимгидек дардли...

Дилёра. Майли... қани ўқийвер!

Навоза.

Қандайин балолар ўтида ёндим,

Мени қон қилди-ку юрак нидоси.

Дард, алам денгизи тубига ботдим,

Қутқарарму мени олам садоси.

Шу чоғ ўйланаман хаёл қасрида,

Қани энди, бўлса ўзга бир олам.

Унда қалб куймаса тухмат қасрида,

Шунда ҳур яшардим, чекмасдим алам.

Ахир вужуд чарчади изтиробдан воҳ,

Ҳадиксираб юрар ҳатто соядан.

*Кўрқувдан фалак ҳам тортади минг оҳ,
Наҳот кўнгил қулади меҳр қоядан!*

Қоядан, опажон қулади... (кўзида ёш.)

Дилёра (кўз ёшларини артиб). Ўзимни бечорагинам. (Бошини силаб, бағрига босади.)

Саркор (узоқдан бақириб.) Опажон! (Ҳансираб, югуриб келади.)

Навоза. Нима гап? Нима бўлди?

Саркор. Опажон, Ниҳола, Ниҳола... юринг тезроқ...

Навоза. Ниҳолага нима бўлди? Гапирсангчи...

Саркор. Уни Ойқиз Эрсенбаева ахлоқ тузатиш уйига юборар экан...

Дилёра: Нима? (Саркорнинг қўлидан ушлаб.) Қани тез кетдик... (Ҳаммалари кетишади.)

16.

Ойқиз Эрсенбаеванинг хонаси. Ичкарида бир аёл ва Ниҳола йиғлаганча ўтирибди. Эшик очилиб, Навоза укаси билан пайдо бўлади.

Навоза (ҳансираганча). Ассалому алайкум, тинчликми? Нима гап ўзи...

Ойқиз. Тинчлик эмас... Қани ўтиринглар. (Ҳаммалари ўтиришади.) Мана бу аёл сизларга нима гаплигини айтади.

Аёл (Ниҳолани кўрсатиб). Мана бу ярамас, тирмизак қиз, мени машинамга чизиб, ойналарини синдирибди. Узр ҳам сўраш йўқ... Безбет! Етимча!...

Дилёра (гапини бўлиб). Опа, оғзингизга қараб гапиринг! Булар етим эмас. Буларни ҳеч кимдан кам жойи йўқ...

Ойқиз. Сени бу ёққа ким чақирди ўзи? Тилинг чиқиб қолибдими?

Навоза. Бўлди, бас қилинглар!

Аёл. Нега бас қиламиз? Ҳали шошмай туринглар, ҳаммангни қамокда чиритаман... Мана бу қизни эса, ҳозироқ авахтага олиб кетишсин!

Нихола (*йиғлаб, опасини қучоқлаб*). Опажон, мен ҳеч нарса қилмадим... Бу аёл алдаяпти, ўзи машинасининг ҳамма ёғига чизиб, ойналарини синдирди ва менга тўнкашини айтиб кулди... Опажон, мен қилмадим. (*Йиғлайди.*)

Навоза (*синглисини ёшларини артиб*). Бўлди асалим, сенга ишонаман. Энди бориб дарсларингни қилавер, хўпми. (*Ойқиз Эрсенбаевага қарайди.*) Ойқиз Эрсенбаева, майлими сиз билан ёлғиз гаплашиб олсам... Мен тушунгандайман, бу ишларнинг асл маъносини...

Ойқиз (*қошини учуриб*). Майли, унда сизлар боринглар, кейин ўзим чақираман... Опажон бора қолинг, ўзим сизга албатта ёрдам бераман...

Аёл. Жавобини кутаман! Агар мен кутган натижа бўлмаса, мана бу қиз ўзини колонияда кўради... (*Навозадан бошқа ҳамма чиқиб кетади.*)

Ойқиз. Қани гапир! Нима дейсан!

Навоза. Кечаги таклифингизни ўйлаб кўрдим...

Ойқиз. Хўш...

Навоза. Бўлди опажон, мендан ўтган бўлса узр... Таклифингизга розиман. Сиз айтгандек бўлади... Чинданам бой бўлишнинг нимаси ёмон... Укаларим ҳам ўзларига тўқ яшайди. Кейин уларни ҳам олиб кетаман-ку тўғрими?

Ойқиз. Баракалла. Энди ўзингга келаяпсан. Уларни ҳозир эмас, кейин олиб кетасан. Бор нарсаларингни тайёрлайвер. Уч-тўрт кундан сўнг тўйингни қиламиз... (*Хурсанд, кафтларини ишқалаб, телефонни олади*). Бор, кетавер. (*Навоза чиқиб кетади. Ким биландир гаплашади.*) Иш пишди, акажон...

17.

Тун. *Болалар уйи. Навозаларнинг хонаси. Дилёра билан Навоза суҳбатлашиб ўтиришибди.*

Дилёра. Яхши. Эртага сен ва укаларингни паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларини олиб келиб бераман. Васийлик ҳужжати ҳам тайёр. Сен бугундан балоғат ёшига тўлдинг. Ҳа айтганча, туғилган кунинг билан

табриклайман. (*Юзидан ўтиб.*) Кейин ўша ҳужжатни имзоласанг бас. Сўнгра мен айтган жойга кетасизлар...

Навоза. Раҳмат! Раҳмат опагон. Бу яхшилигингизни бир умр унутмаймиз. Лекин, биз... Факат... Қаерга боришни билмаймиз... (*Маъюс*).

Дилёра (*калитни кўрсатиб*). Бу сизнинг уйингизни калити. Ойинглар кетишдан олдин, ҳар эҳтимолга қарши, мени номимга уйларингизни ўтказиб, калит ва ҳужжатларни бериб кетган эди. Кўнгли сезган экан... Ойингиз жуда ҳам ақлли, яхши аёл... сизлар бемалол ўша ерда яшашингиз мумкин. Шаҳар четида бўлгани учун у ерни ҳеч ким билмайди.

Навоза. Раҳмат опагон. Сиз дунёдаги энг яхши дўстсиз! Сиздек яхши одамлар дунёда бор экан, ҳаёт давом этаверади. (*Бир-бирини қучоқлайди*).

Дилёра. Ўзимни ақллигим, ҳамма нарсани билади...

18.

Тонг. Ниҳола қўшиқ хиргойи қилиб ўтирибди...

Ниҳола:

Жажжжи, жажжжи жўжсалар,

Онажсонин қўйнида.

Чугурчуқлар чулдирар,

Дадажсонин қўйнида...

Мен самога қарайман,

Менинг онам қаерда?

Мен сахрога қарайман,

Менинг дадам қаерда?

*Дада, дада, дадажон,
Хаёлим сизда...
Ая, ая, аяжон,
Кўзларим йўлда...*

*Келинг, келинг, кела қолинг!
Келинг, келинг, кела қолинг!..*

*Бордир менинг яқинларим,
Амма-ю тогаларим бор.
Мен болалар уйида...*

*Дада, дада, дадажон,
Хаёлим сизда...
Ая, ая, аяжон,
Кўзларим йўлда...*

*Келинг, келинг, кела қолинг!
Келинг, келинг, кела қолинг!..
Келинг, келинг, кела қолинг!
Келинг, келинг, кела қолинг!..*

Навоза (*уни жим эшитиб, ёнига боради*). Ниҳола, эсингдами? Бу қўшиқни мен оромгоҳга дам олишга борганимизда айтган эдим...

Ниҳола (*кўз ёшларини артиб*). Ҳа эсимда. Сиз ўшанда, етим қиз ролини ўйнаган эдингиз...

Навоза. Ҳа... мана энди ҳақиқий етимдекмиз... майли пешонада бори бўлади...

Ниҳола. Опажон, энди нима қиламиз? Сиз ўша қари чолга тегасизми? Йўқ! Ундан кўра мени колоннияга жўната қолишсин... (*Опасини қучоқлаб, яна йиғлайди.*)

Навоза. Сен жуда ҳам йиғлоқи қиз бўлиб қолибсан. Сенга бир сирни очай, фақат ҳеч кимга чурқ этма. Бугун бу ердан сен, мен ва Саркор қочиб кетамиз. У нарсаларини йиғиштиряпти. Сен ҳам бор, нарсаларингни йиғиштир...

Ниҳола. Лекин қандай қилиб? Қаерга борамиз...

Навоза. Ўз уйимизга борамиз... Бор, тезроқ бўла қол!. (*Ниҳола хурсанд, опасини юзидан ўпиб, хонасига кириб кетади.*) Энди бу гулзордан ҳеч ким гул уза олмайди...

19.

Икки йилдан сўнг. Қахвахона. Муסיқа эшитилиб турибди... Навоза олиб- югуриб хўрандаларга хизмат қилмоқда.

(Бир йигит уни чақиради).

Орзимурод. Яхши қиз, бизга қараб юборинг!

Навоза. Ассалому алайкум. Нима буюрасизлар...

Орзимурод (*ҳайрон*). Вaleyкум. Бизга бир литрли кола олиб келинг.

Навоза. Ейишга нима олиб келай?

Орзимурод. 300 граммдан табака еймиз...

Навоза. Салат-чи?

Бобур. Французча салат олиб кела қолинг! Фақат тезроқ...

Навоза. Хўп бўлади... ҳозир. (*Кетади.*)

Бобур. Оғайни жуда ҳам кетворган қиз-а? Лекин, негaдир жуда ғалати кийинади...

Орзимурод. Нимаси ғалати? Узун юбка, чиройли кофта. Ҳаммаёғи ёпик, ўзига жуда ярашган. Айниқса, кўзлари чиройли...

Бобур. Аммо, негaдир ҳеч кулмайди. Кулса ҳам ноиложликдан кулади, назаримда...

Навоза (*буюртма берилган таомларни олиб келиб қўяди*). Бошқа хизмат йўқми? Ҳеч нима керак эмасми?

Орзимурод. Йўқ, раҳмат... Керак бўлса ўзимиз айтамыз.

Навоза. Унда ёқимли иштаҳа! (*Кетади.*)

20.

Яйманнинг уйи. Шакархон уйғониб, олдида Яйманнинг қон қусиб, ўлиб ётганини кўриб қичқиради. Ойгул киради. Шакархони қучоқлаб, тинчлантиришига уринади.

Ойгул. Севим тузукмисан? Сенга ҳеч нима қилмадимми?

Шакархон (*қўрқувда*). Мен, мен билмадим. Ўзинг айт, энди нима қиламиз?

Ойгул. Ҳаммаси жойида бўлади, сен ҳавотир олма. Бариси режадагидек кетяпти. (*Эшик қўнғирози жириглайди.*)

Шакархон (*ҳавотирда*). Кимдир келди. Энди нима бўлади?

Ойгул. Тинчлан. Мен ўзим бориб эшикни очаман. Бектош бўлса керак. (*Эшикни очади. Остонада бир нечта полиция ходимлари турган бўлади.*)

21.

Навозаларнинг шинамгина уйлари. Ҳаммалари йиғилиб, суҳбатлашиб ўтиришибди.

Навоза. Ниҳола ўқишларинг яхшими? Эртага сенга фуқаролик паспортини олгани борамиз...

Ниҳола. Ростданми? Ўзимнинг опажоним, яхшиям бахтимга сиз борсиз...

Саркор. Опажон, дадам билан ойим нима қилишаётган экана? Ёки бизни қидиришаётганмикан? Бизни соғинишгандир... Мен уларни жуда ҳам соғиндим! Қани энди мени институтда ўқиётганимни кўришса? “Ўғлим,

айтдим-ку судья бўласан деб! Тагин яна мен айб иш қилсам, суд қилиб юрмагина”, – дейишларини жуда ҳам соғиндим...

Навоза. Яна сен, “Агар айб иш қилсангиз ким бўлсангиз ҳам ойимми, сизми конун буюрган ишни қилиб, сизларни сўроқ қиламан”, – дер эдинг. Мана, худо хоҳласа ўқишни тамомласанг, судья ҳам бўласан...

Ниҳола. Мен эса тиббиёт коллежини битиргач, кейин институтга...

Навоза. Йўғе... ростданми... ўзимни асал укаларимдан ўргилай! *(Уларни қучоқлайди.)*

Ниҳола. Ўзимни онажоним... *(Навоза уларни қучади-ю, унсиз йиғлайди.)*

22.

Бектош, ҳаммаёғи хароб, чанг босган бир хонада жулдур кийимда ичиб ётибди. Атрофи тўла ароқ шишалари...

Бектош. Наҳот бой бўлдим! Пул топдим, лек бир ўзим қолдим... Ойгул, Ойгул... қаердасан?

Ойгул *(эшикни очиб, секин).* Яна ўша ҳолат. Лаббай!

Бектош. Егани бирор нарса олиб кел! Менга бу кийимларни ким кийдирди...

Ойгул. Мен. Бошқа кийимларингизни ювдиргани бериб юборган эдим. Кийимингиз жуда ҳам расво эди, шунга ноилож шуларни кийдирдим. *(Секин четга.)* Сенга шулар ҳам бўлаверади.

Бектош. Яхши... яхши... ҳа айтганча, Шакархондан бирор дарак борми?

Ойгул. Йўқ. Қандайдир муаммо чиқиб қолибди. Ўзи бир келиб кетсин, дейишди. Бўлмасам ишлар пачава бўлар экан...

Бектош. Шу полициячиларни ҳаммасидан тўйдим... Доимгидек пора бермабдими?

Ойгул. Булар пора олмайдиганларидан экан... Виждонини сотишмас эмиш...

Бектош. Наҳотки? *(Аранг ўрнидан туриб.)* Виждонини сотмасмиш... Сотади, Абай деган бир ёзувчини шундай гапи бор: “Пулни кўрганда фаришта ҳам иймонини сотади”. Ҳа, ҳозирги кунда виждон тугул, иймонини ҳам, отаси,

онаси ҳуллас ҳаммасини пул учун сотади... Сотади!.. (*У ёқдан, бу ёққа юради.*) Сотади...

23.

Истанбул. Қамоқхона. Адвокат ва Шакархон.

Адвокат Маҳмуд (*Шакархонга бир нечта қоғозларни тутқзади*). Севимхоним, ҳозир ҳамма далиллар сизга қарши қаратилган. Бармоқ излари ҳам шуни тасдиқлади. Мен Бектош билан барча чораларни кўрдим, бўлмади. Эртанги судда сиз барча айбни бўйнингизга оласиз. Эрингизни сизга нисбатан кўрсатган зулми учун уни тўрт йил давомида турли дорилар билан заҳарлаб келганман, дейсиз.

Шакархон (*ғайритабиий ҳолатда*). Лекин мен бу ишни қилмаганман. Бу ишларни Ойгул қилган-ку?

Адвокат Маҳмуд. Биламан, бироқ боя айтдим-ку, барча далиллар сизга қарши деб. Кейин ҳозир Ойгул қилган десангиз, сизни аслида ким эканлигингиз ошкор бўлади. Бу ҳам жиноят. Ундан ташқари болаларингизни ўйланг. Улар учун шунча йил ҳаммасига чидадингиз. Ойгул уни сотганингизни билса, болаларингизни соғ қўймайди.

Шакархон (*бир оз ўйланиб қолади*). Унда мен нима қилай...

Адвокат Маҳмуд. Ҳозир мана бу кўлингиздаги қоғозларга имзо қўйинг. Қолганини ўзим ҳал қиламан...

24.

Қахвахона. Навоза одатдагидек хўрандаларга хизмат қилиб юрибди.
Орзимурод ўтирган стол ёнига келиб, буюртма қилинган таомларни қўяди. Шу пайт фартугининг чўнтагидан каштаси тушиб қолади...
Орзимурод (*каштани олиб*). Навоза, бу сизникими?

Навоза (*каштани Орзимуроднинг қўлидан шошиб олади*). Илтимос, буни ҳеч ким билмасин... Агар бошқа ҳеч нима керак бўлмаса мен борай (*йигитнинг гапини ҳам эшитмай кетади*).

25.

Истанбул. Суд зали. Залда Бектош, Ойгул ва бир нечта нотаниш одамлар. Шакархон қора кийимда, бошини эгиб ўтирибди.

Судья (*ўрнидан туриб*). Севим Атагул қасддан одам ўлдиргани учун айбдор деб топилдингиз (шу пайт фарзандларини ўйлайди. Муסיқа овози. Экранда Шакархон фарзандлари билан боғда айланиб юришгани тасвири кўринади. Улар ҳаммаси бахтиёр, кулишиб мусаффо осмон, ям-яшил табиат, гуллар оғушида қўлларини ушлашиб айланишади. Муסיқа овози пасайиб, яна судья овози эшитилади). Мунтазам равишда судланмаганингиз инобатга олиниб, 7 йилга озодликдан маҳрум этиласиз.

Ойгул (*шивирлаб*). Бектош оға, ишлар беш энди. (*Бектош билан қўл ташлашиб, кулишади. Шакархон кўзларида ёш.*)

26.

Шаҳар маркази. Икки томони арча, турли дарахтлар, гуллардан иборат йўлакда Ниҳола аранг юриб келмоқда. Бирдан боши айлангач, ёнидаги ўриндикқа ўтиради.

Ниҳола. Менга нимадир бўляпти? Негадир кўнглим ғаш.. Бундай ҳолат биринчи марта бўлаётгани йўқ. Шифокорга кўринсаммикан ёки опамгами, акамгами айтсамчи... Йўқ айта олмайман. Агар айтсам, улар сиқилади. (*Уф тортиб, бошини қуйи солади.*)

27.

Яйманнинг хашаматли уйи. Бектош ва Ойгул безатилган стол устида кайф-сафо қилиб ўтиришибди.

Бектош. Сени бошида кўрганимда жуда айёр деб ўйлаган эдим. Аммо, янглишибман. Сен нафақат айёр, балки ичидан пишган муғомбир ҳам экансан.

Ойгул (*кўзларини сузиб*). Оғам, бариси сиз туфайли. Агар сиз Севимни, яъни Шакархонни бу ерга олиб келмаганингизда, ҳозир Яйманнинг мол-мулкига эга бўлмас эдик.

Бектош. Тўғри, қани унда олдик.

Ойгул. Ҳа айтганча оғам, мен Яйманнинг ўғлини **васийи** сифатида унга Швецарияга кетишига рухсат бердим.

Бектош (*эркалатиб*). Вой ўзимни тулкичам. Демак, у ўқишга кетади. Биз мазза қилиб кайф қиламиз...

28.

Қахвахона. Нозик меҳмонлар учун мўлжалланган хоналардан бирини Навоза тозаламоқда.

Навоза (*ўзига-ўзи*). Негадир бугун кўнглим жуда ғаш... (*Телефони жиринглайди.*) Алло, Саркор... Нега йиғлаяпсан? Нима, Ниҳола... Нега... Қанақа операция... (*Югуриб чиқиб кетади.*)

29.

Касалхона. Ниҳола беҳуш, бир хонада (палатада) ётибди. Дераза ёнида Саркор йиғлаб турибди...

Навоза (*югуриб киради. Эшик ёнида турган укаси опасини бориб қучоқлайди*). Бўлди йиғлама... Мен ҳозиргина доктор билан гаплашдим, ҳали

ҳаммаси яхши бўлади деди. (*Укасини кўз ёшларини артиб, хонадан олиб чиқади.*)

Саркор. Опажон, докторлар унинг миясида ўсимта бор дейишганини эшитдим... Ахир, бу касаллик билан оғриганлар камдан-кам ҳолатда тузалади ёки операция қилиш учун жуда кўп пул керак бўлади... Энди нима қиламиз?

Навоза. Бўлди укажоним! Агар пул керак бўлса, албатта топамиз. (*Уни қучоқлаб, йиғлайди.*)

Саркор. Ҳа топиш керак... Мен ҳам эртадан ўқишга бормасдан ишлайман...

Навоза. Нима? Ўқишга бормаيمان дедингми?.. Борасан! Сенлар ўқисин деб, тунни-тун, кунни-кун демай, сенлар туфайли ёруғ кунларни кўрай деб ишлаб юрибман... Ўзим топаман, қанча пул керак бўлса!

Саркор. Лекин мен...

Навоза. Бўлди бас!... (*Бир-бирига жим қараб қолишади.*)

30.

Қахвахона. Навоза Қахвахона хўжайини билан суҳбатлашиб ўтирибди.

Навоза. Илтимос, пул ҳозир жуда зарур эди! Бир умр хизматингизни қилай! Илтимос, менга ёрдам беринг!

Бедил (*Навозага бошдан оёқ қараб чиқиб*). Майли синглим! Сиз менга қайси касалхоналигини айтсангиз, ўзим бориб гаплашиб, ҳал қилиб келаман... Аввал ҳам қандай ёрдам керак бўлса айтинг деган эдим-ку. Хоҳласангиз чет элда дўстларим бор. Шу тарафларга ишга жўнатишим ҳам мумкин.

Навоза. Раҳмат таклифингиз учун. Лекин мен икки укамни ташлаб кета олмайман... Бир амаллаб шу ерларда бўлса ҳам ишлаб, қарзларимни узаман...

Бедил (*истеҳзоли кулиб*). Майли бош омон бўлса кўрамиз... Унда сиз бора қолинг! Ҳаммаси яхши бўлади. Рози қиларсиз деган умиддаман...

Навоза (*ҳайрон. Бироз жаҳли чиқади, лекин синглисини ўйлаб индамайди*).
Албатта, Бедил ака. Раҳмат, раҳмат... Бу яхшилигингизни ҳеч қачон
унутмайман... (*Чиқиб кетади.*)

Бедил (*ортидан қараб*). Албатта... Ҳали-бери унута олмайсанам... (*Кулиб.*)

31.

*Касалхона. Операция хонаси ёнида Навоза ва Саркор, операция
туғашини кутиб, у ёқдан, бу ёққа юришмоқда...*

Шифокор (*чиқиб*). Бардам бўлинглар! Қўлимиздан келган ҳамма ишни
қилдик... Афсус, ўсимта мия қисмини бутунлай эгаллашга улгурган экан.
(*Кетади.*)

Навоза (*ҳеч қандай ишорасиз, бир нуқтага қараб қотиб қолади*). Нима?
Нима? (*Ерга беҳуш йиқилади.*)

Саркор (*кўзлари жиққа ёш, йиғлаб*). Опажон, сизга нима бўлди? Ёрдам
беринглар...(*Опасини кўтариб, бағрига босади.*) Кўзингизни очинг! Опажон...

32.

*Орадан бир неча йил ўтади. Қахвахонадаги хоналардан бирини
Навоза тозаламоқда.*

Навоза (*ўзига-ўзи*). Нега менга бу хонани тозалашни буюрди? Яна сизга зўр
совғам бор дегани-чи? Умуман тушунмадим... Ҳа, тушуна олмадим, ахир
Латофат тозалашни керак эди-ку? (*Қулоғида наушник билан қўшиқ хиргойи
қилиб, ҳаммаёқни тозаламоқда.*)

*Орқадан бир шарпаннинг сояси кўринади. Шарпа қизга яқинлашиб,
рўмолча билан унинг оғзини ёнади. Қиз хлорофол(хушдан кетказувчи
дори) таъсирида ерга йиқилади ва номаълум шарпа қизни кўтариб олиб
чиқиб кетади.*

33.

Истанбул. Шакархон машинада. Хаёл суриб келмоқда...

Шакархон. Агар ўша Камол деган қамоқхона бошлиғи бўлмаганда, мен ҳамон ўша жирканч жойда азоб чекаётган бўлар эдим. У инсон мени қарамоғига олди ва оталик қилди. Нима учун менга шунча ёрдам бергани ёлғиз худогагина аён.

34.

Экранда воқеа тасвирланади. Қамоқхона бошлиғи юрагини ушлаб ўтирибди, Шакархон ошпаз кийимида овқат олиб киради.

Шакархон. Кечирасиз, буни қаерга қўяй.

Қамоқхона бошлиғи. Столга қўйиб кетавер. (*Овқатни қўйиб энди эшикдан чиқаётганда қамоқхона бошлиғи ерга йиқилади. Шакархон югурганча унга ёрдам бера бошлайди*).

35.

Яна ўша машина Шакархон жим, йўлга қараб хаёлга чўмади.

Шакархон. Шундан сўнг у инсон билан анча яқин бўлиб кетдик. Шу воқеадан сўнг озодликка чиқишим учун адвокат ёллаб, қўлидан келганича кўмаклашди... Ҳа, бегона бўла туриб менга ёрдам берди, яқинларим эса...

Яйманнинг ҳашаматли уйи. Эшик олдида Шакархон турибди.

Зайнаб (*эшикни очиб*). Келинг, сизга ким керак?

Шакархон. Менинг исмим Шааа... Севим. Мен бундан 3 йил олдин шу ерда яшар эдим.

Зайнаб. Ҳа, сиз Севим Атагул бўлсангиз керак?

Шакархон. Ҳа шундай. Лекин сизни танимадим.

Зайнаб (*унга бошдан оёқ ғалати кўз билан қарайди*). Мен бу уйнинг бекасиман. Уч йилдан бери шу ерда оилам билан яшайман.

Шакархон. Тушунмадим? Қандай қилиб...

Зайнаб. Бу уйни Ойгул деган бир аёлдан сотиб олганмиз (*ичкаридан боланинг йигиси эшитилади.*) Узр, боламга қарашим керак. (*Эшикни ётиб кириб кетади. Шакархон нима қилишини билмай, турган жойида ўйланиб қолади.*)

Экранда қора булутларга тўлган осмон кўринади. Бирданига ёмғир ёға бошлайди.

Туркия. Ўзбекистон ва Туркия элчихонаси. Шакархон бир оз ўйланиб туриб, элчихона томон юради.

Шакархон. Мен нималар қиляпман ўзи. Агар ҳозир юртимга қайтсам ким деган одам бўламан. Неча йиллардан буён болаларимга ҳам телефон қилмадим. Уларнинг кўзларига қандай қарайман... (осмонга қараб) Гўёки осмон ҳам менинг аҳволимни тушунгандек, қовоғини солиб олибди...

Экранда худди эркаклардек кийиниб олган аёл, сочлари узун кўринади. У оҳиста юриб, Шакархоннинг ёнига боради. Шу пайт чақмоқ чақиб, ёмғир ёға бошлайди.

38.

Аэропортнинг кириш йўлаги томонидан Бектош, Муҳам, Маҳам ва Ойгул биргаликда гаплашиб келишмоқда.

Бектош. Худо хоҳласа ишлар беш бўлади...

Маҳам. Хоҳламаса ҳам...

Муҳам. Овимиз бароридан келади... *(Кулишади.)*

Ойгул. Бўлди қилинглар... Яхши ният қилиш керак!

Бектош. Йўғе? Нима кўрқаяпсанми? Қани сендаги иштиёқ? “Чарақлаган нур”? Ё сўндими-а? *(Белидан қучади.)*

Ойгул. Негадир кўнглим нотинч... Бугун сиз таниган Нурхонингиз сўлди... Ахир энди бу ёғи нима бўлади? Собиқ хотинингиз Шакархон озодликда бўлса, энди бизни (Бектош Ойгулни оғзини ёпиб).

Бектош (пичирлаб). Бизга ҳеч нима бўлмайди, бир оз муддат ишлар тинчигинча Ўзбекистонда яшаб турамиз. Барчаси яхшлангач яна Туркияга қайтамиз. Хавотир олма...

Ойгул (баланд титроқ овозда). Бироқ, ишлар яхши бўлмасачи?

Маҳам. Ҳаммаси яхши бўлади... Хавотир олманглар!

Аэропортда самалётнинг учиб вақти бўлгани ҳақида эълон қилишади... Уларнинг ҳаммалари кетишга тайёрланадилар.

39.

Орадан бир йил ўтган. Шакархоннинг уйи. Хонада бир нечта қизлар ўтиришибди. Шакархон эса, хонанинг у ёғидан, бу ёғига юриб, куйиб-пишиб гапираяпти.

Шакархон опа (*қамоқ хонада танишган бир аёл хақида гапираяпти*). Кеча гапимиз чала қолиб кетди. Ўша менга ёрдам берган аёл хақида гапираётган эдим. Хуллас, шундан сўнг йигити билан тўйи бўлади. Йигит тўйдан сўнг бир нималарни бахона қилиб, уйига кетади. Қиз унинг фақат Тошкентдан эканини билар экан холос.

Тиллахон. Нима паспорт маълумотларини олиб қолмаган эканми?

Шакархон опа (*кулиб*). Ростдан, олиб қолган эди, лекин у хақидаги ҳеч бир ҳужжатни топа олмабди. У оғзаки айтган манзилда Учкун турмас экан. Хуллас қорнида боласи билан ўгай отасидан дашном эшитиб яшади. Бир куни отаси уни жуда каттиқ урди... Тасодифан, отасини итариб юборганида, отаси йиқилиб тушиб, ўлиб қолибди. Кейин уни қамашди. Чикқанида боласини етимхонага беришганини эшитиб қидирибди, лекин топа олмади. Тушкунликка тушганига қарамай, юрагидаги ғазаб ўти жуда кучли бўлгани учунми, отасидан қолган меросга Зайнаб бизнес бошлаган.

Тиллахон. Бечора аёл...

Шакархон. Ҳа... бечора аёл. Лекин мен қамокдан чикқанимда ҳеч кимдан нажот чикмагач, эндигина Ўзбекистон элчихонасига кираётганимда уни кўриб қолдим. У мени ҳаётимни ўзгартириб юборди.

Тиллахон. Ҳа, айтган эдингиз. Бир аёл иш бошлашим учун пул берди деб.

Шакархон. Зайнаб эди ўша аёлнинг исми. У мендан бир йил олдин озодликка чикқан эди. У билан бир камерада ўтирганмиз. Жигари хаста бўлгани учун бечора аёл ёш кетди...

Тиллахон. Ҳа, рост айтасиз. Ҳеч нима кўрмасдан кетибди. Бекам, шунинг учун бор мол-мулкени, ишини сизга топширган эканда?

Шакархон. Ҳа менга топширди. У мен учун туғишгандан зиёда эди (*Экранда улар турган хонанинг бир бурчагида ёш аёл, оппоқ либосда бешик тебратиб ўтиргани кўринади... Тасодифан Шакархон ўша бешик тебратиб ўтирган аёлни кўриб қолади*).

Шакархон. Тиллахон, анави бешик тебратиб ўтирган аёл ким?

Тиллахон (*аёл томонга қараб*). Ҳа, у аёлми? Аёлни кеча йўл четидан топиб олишибди. Хушсиз ётган экан...

Шакархон. Ҳа ундай бўлса нега бешик тебратаяпти? Ёки боласи борми?

Тиллахон. Йўқ! Лекин кечадан буён негадир алла айтиб, бешик тебратаяпти.

Шакархон (*ишонмай*). Қўйсангчи, боласи бор шекилли. (*Секин ёнига боради. Алла овози эшитилади.*)

Келин (*ғамгин, кўзида бир томчи ёш йўқ*).

Алла айтай жоним болам, уҳлаблар қолгин,

Кўзларингни юмиб аста, оромлар олгин.

Болажоним, қора кўзим, аллаё алла,

Онанг сени жуда севар, аллаё алла!

Шакархон (*сўзини бўлиб*). Тинчликми синглим? Кимга алла айтаяпсиз?

Келин (*алла айтишдан тўхтаб. Кўзларида изтироб ила қарайди*).

Болажонимга! У ухлаяпти! Секинроқ гапиринглар, илтимос... бўлмаса болажоним уйғониб кетади... (*Яна бешик тебратиб, алла айтади*).

Алла айтай жоним болам, уҳлаблар қолгин,

Оймомолар эртак айтар, аллаё алла.

Шакархон (*Шакархон бориб бешикни очиб кўради ва ичида ҳеч қандай бола йўқлигини кўриб ҳайратга тушади... Бир четга бориб*). Ё танграм! Бу қандай синоат?! Эй худойим аёлга бунчалар меҳр бермасанг! Мен ҳам бир пайтлар болаларимга алла айтар эдим! Эҳ болажонларим... Болани дунёга келтириш осон эканми?! Бола туғибману... бир эрга ишониб, гулдек болаларимни ташлаб келибман. Мен қандай она бўлдим ўзи?! Болажонларим (*Тиллахон келиб.*)

Тиллахон. Бекам, тинчликми?

Шакархон опа. Ҳа ўзим...

Зарина (*югуриб кириб*). Кечирасиз, хоним, ҳозиргина Ўзбекистондан телефон қилишди, барча ишлар беш дейишди.

Шакархон (*мағурурланиб кулиб*). Жуда соз. Унда қизларга айт, барчаси тайёргарлигини кўрсин, йўлга чиқамиз. (*Зарина “хўп” ишорасини қилиб кетади.*)

40.

Истанбул. Аэропорт. Шакархон бир нечта ҳар хил миллат вакиллари бўлган қизлар билан кимнидир кутиб ўтиришибди.

Тиллахон (*қизлардан бирига*). Севимхоним, режамиз худо хоҳласа амалга ошади... Биз ҳали кимлигимизни кўрсатамиз!

Шакархон. Бизни ҳўрлашгани учун ҳали мингдан-минг пушаймон бўлишади..

Қизлардан бири. Албатта, хоним... ўч оламиз... мен ҳам ўч оламан! Мени шунча йил ҳўрлагани, оёқ ости қилгани учун, еган ҳар бир калтагим учун жавоб беради...

Шакархон. Биз ўч олмаймиз. Яна такрор айтаман, биз эркинлигимиз учун курашиб, уларни жазолаймиз. (*Ҳаммалари бир-бирига маъюс қарайдилар.*)

41.

Суд зали. Судья ва ёш суд мажлиси секретари Саркорбек Акбаров. Прокурор ва адвокатлар. Суд зали тўла фуқаролар ҳамда панжара ичида Ойгул жим ерга қараб ўтирибди.

Прокурор (*айбланувчига*). Ойгул Содиқова, айтингчи нима сабаб бўлди, бу йўлга киришингизга?

Ойгул (*мужмал*). Алданганим, адашганим, айбни айбсиздан ахтарганим...

Прокурор (*ҳайрон*). Сўзга уста экансиз, қойил. Айтингчи... сизнинг шеригингиз нима учун уйни ёқиб юборди ёки ўзини ёқиб юбордими? У ким эди? Исми? Нима иш қилар эдинглар?

Ойгул (*хаёл суриб қолади*).

42.

Экранда воқеа тасвири кетади. Шинамгина уй. Диванда Ойгул билан Бектош жуда ҳам хомуш бир-бирларига тикилиб ўтиришибди.

Бектош (чукур хўрсиниб). Ойгул мени севасана? Сендан сўраяпман севасана?

Ойгул. Ха севаман. Бўлмаса ёнингизда бир йилдан буён касаллигизга қарамай юрармидим...

Бектош (Ойгулнинг оёқлари остига тиз чўқади. Ойгул хижолат бўлиб уни тургизмоқчи бўлади. Бироқ Бектош кўнмайди. Экранда Бектошнинг орқа томони кўринади. Кўйлаги кенг бўлишига қарамай кураги, белини ҳар жойлари бўртиб чиққан эди). Мени эшит. Мана уч ойдан буён азоб чекапман. Бу бедаво касаллик мени қуритади шекили (Ойгулнинг йиғи овози эштиради).

Бектошнинг кўз олди хиралаша бошлайди ва кўзига қизи Ниҳола кўринади. Қиз оппоқ либосда, бироқ кўйлагининг айрим жойларида қора доғлари бор. Ниҳола дадасининг ётган дивани олдида келиб ўтиради.

Ниҳола. Дадажон сизни жуда ҳам соғиндим (юзларини қўлидаги румол билан силаб). Туринг ўрнингиздан сизга нима бўлди?

Бектош (қизини тиззасига аранг бошини қўйиб). Ниҳола қизим бу сенмисан? Сени кўрадиган кун ҳам бор экану... Жуда ҳам сизларни соғинганман...

Ниҳола. Нега унда биздан хабар ҳам олмадингиз?

Бектош. Қизим биласанми... мен...

Ниҳола. Баламан дадажон, биламан. Сиз бизлар учун ишлагани кетгансиз ва кўргани келишга ҳатто телефон қилишга ҳам вақтингиз бўлмаган, биламан дадажоним. Мен кўп нарсаларни биламан...

Бектош (кўзларидан қатра ёш оқади). Мени кечир қизим, кечир. Ниҳолам ўзими, онам қизим...

Ойгул (овози худди жуда узоқдан келаётгандек эшитилади). Бектошака нималар деяпсиз? Мени кўрқитманг...

Ниҳола (қўлларида тутиб). Туринг дадажон мен сизни олиб кетгани келдим. Қани юринг мен билан... юринг дадажоним (Ниҳола туман ичра аста йўқолиб боради).

Бектош. Қизалоғим, қизалоғим кетма, мени ҳам олиб кет, ортиқ яшашни хохламиман...

Ойгул (йиғламсираб). Ундай деманг. Мени сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ. Сиз яхши инсонсиз. Мени касал чоғимда ёнимда бўлди. Менга отам қилмаган яхшиликни қилдингиз. Ўтинаман ўзингизни қўлга олинг.

Бектош. Йиғлама. Сен кучли бўлишинг керак. Мени сўнги илтимосим бор. Фақат бажараман деб ваъда бер.

Ойгул. Гапиринг. Бажараман. Сўз бераман.

Бектош (аранг ўрнидан туриб, диванга ўтиради). Ҳозир сейфдаги бор пулни оласан, нарсаларингни йиғиштириб бу ердан кетасан. Нимага деб сўрама. Кўпга эмас. Хўп, фақат йўқ дема (Ойгул хайрон қараб қолади)...

Экранда қора тутунга тўла осмон кўриниб, гўм деган овоз эшитилади.

43.

Суд зали. Судья, прокурор, адвокат ва залда бир қанча фуқаролар ўтришибди.

Ойгул (*бироздан сўнг*). Қанақа шерик? Яна қандай уй? Уларни танимайман! Биринчи бор Аэропортда кўрган эдим...

Прокурор. Ўша соқолли шахс ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмисиз? Хали у билан бир уйда турганингизни ҳам тан олмассиз? Яхшилаб эсланг! Бу сизга ёрдам бериши мумкин...

Ойгул (*судьяга*). Мухтарам судья... мен уларни умуман танитайман!.. Мен ҳамма айбни бўйнимга оламан ва қилган ишларимдан пушаймонман... (*Йиғлайди*).

Судья. Бўлди синглим тинчланинг! (*Прокурорга.*) Аҳрор Юнусов, буларга бошқа саволингиз йўқми?

Прокурор. Саволим йўқ. (*Жойига бориб ўтиради*).

44.

Экранда қорнинг ёғадган манзараси гавдаланади. Табиат оппоқ либосга бурканган эди. Яна ўша суд зали. Шакархон ва бир нечта қизларни милиция ходимлари панжара ортига олиб киришади.

Шакархон (*қўлидан ушлаган милиция ходимига*). Торт қўлингни! Мен айбдор эмасма...

Судья. Ўзингизни босинг, синглим...

Саркор (*Саркор эса аёлга қараб, секин*). Ойижон... уларга ўхшар экан-ми?! Наҳот ойижоним бўлса? (*Қоғозга қараб*). Лекин бу ерда исми Севим дейилган. Миллати ҳам бошқа... чет эл фуқароси...

Прокурор. Айтингчи, Севим Аландар...

Шакархон (*судьянинг ёнидаги ўғли эканини билиб, ўзгаради*). Севим эмас, Севимхоним дейишингизни талаб қиламан... тушунарлими?

Прокурор (*нима қилишни билмай*). Хўш Севимхоним... хужрада қизлар билан йиғилиб, нима иш қилаётган эдинглар...

Шакархон. Сен каби эркакларни қандай қилиб йўқ қилиш режасини тузаётган эдим! (*Ўғли танимаслиги учун ўзини бошқача тутди ва юзини яширади.*)

Прокурор. У қандай режа экан? Бунга сизни ким мажбур қилди? Сабаби борми?

Шакархон. Ҳаёт! Ундаги бегуноҳ кўз ёш тўкиб, ғурури паймол бўлган аёллар! Ҳа улар, мажбур қилди. Кейин, сизларга айтсам мен бу ишимдан умуман афсусда эмасма...

Прокурор (*ҳайратда, ўзини аранг босиб*). Демак, Маъмуров, Хайдаров, Султонов ва бегуноҳ бир ёш гўдакни ҳам сизлар ўлдиргансизлар ва бундан асло пушаймон эмассиз? Шундайми?

Шакархон. Пушаймонлик?! Нега энди пушаймон бўлай... ёш болага келсак, “итдан бўлган, қурбонликка ярамас”. Яна, ўлганлардан бири Заринанинг эри эди. Қолганлари эса унга ўхшаган разил кимсалар... кейин бу ишни ёлғиз мен қилдим! Қолганлар бундай режам борлигидан ҳам беҳабар эдилар... (*Кулади, ҳамма ҳайратда*).

Прокурор. Бошқа саволим йўқ...

Судья (*адвокатга*). Сизнинг саволингиз борми?

Адвокат. Албатта. (*Ўрнидан туриб, айбланувчининг ёнига бориб.*) Демак қасд олгансиз, дугонангиз учун? Қандай ўлдирдингиз, яъни саволимга ойдинлик киритсам, нима билан ўлдирдингиз?

Шакархон. Қасд дейсизми? Йўқ асло! Мени қасд олиш режам йўқ эди. Мен тўғрироғи биз шунчаки эркин бўлмоқчи эдик. Ҳа, ўз эркинлигимиз ва ҳаётда ҳақиқат қарор топиши учун интилдик. Менинг айбим ҳам шу... кейин, мен уларнинг манзилени Заринадан билдим ва мўмай пул таклиф қилиш баҳона билан алдаб чақиртирдим ва уни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирдим! (кулиб, кўзларида нафрат) Нима учун деб ўйлаётгандирсизлар? Сабаби шуки, у ҳар куни (экранда воқеа кетади) ичиб келиб хотини ва болаларини урар ва ҳўрлар эди. Ҳатто хотинини (ичида) мендек, қиморда ютқазиб, мўмай пул эвазига сотган... бундай ҳайвонни ўлдириб мен гуноҳ эмас, савоб иш қилдим... Ўзим жазоладим... (оддий, кўз юммай гапириб беради).

Адвокат. Қонунга мурожаат қилсанглар бўларди-ку?

Шакархон. Қонун! (истеҳзоли кулиб) Агар қонунга мурожаат қилсак, аёлларга ҳос ор-номус, уят, андиша қаерда қолар эди? Кейин одамлар палончи эрини судга берибди деб ғийбат бўхтонига кўмишар эди. Агар

ажрашсачи? Яхшиси Заринани ўзидан сўранг. У қишлоқ шароитини яхши билади...

Судья. Марҳамат фуқоро Зарина Алиевани минбарга гувоҳлик бериш учун таклиф этамиз (Зарина минбарга чиқади).

Прокурор. Зарина Алиева Севимхонимни гаплари ростми? Сиз нима дейсиз...

Зарина. Ҳоним тўғри гапни гапирдилар! Бизнинг қишлоқда, ҳудди менга ўхшаб туну-кун эридан, ҳатто қайноғаси, қайна-қайнотасидан ҳам калтак еб, дардини ҳеч кимга айта олмай, ўз ёғига ўзи қоврулиб, болаларини ўйлаб, чидаб яшаб келаётганлар кўп. Фақат қишлоқда эмас, шаҳарда ҳам бор, бундай аёллар!..(қўли билан кўрсатиб) Ана, анаву ҳаворанг кўйлақда ўтирган аёлга қаранг! Эрини калтакларидан, ҳатто туғилишга ҳам улғирмай бир неча бор болалари нобуд бўлган бўлса; ёнидаги аёлни эри эса, ўз хотинини бузукқа чиқариб, ярим тунда уйдан ҳайдаган! Аслида у эмас, овсини бузук бўлган! Кўча кўрмаган содда аёлни, алдаб кўчага олиб чиқиб, бир эркакка кўшиб бермоқчи бўлган овсини эди! У эса бир амаллаб у ердан қочган. Лекин, овсинимнинг оиласи бузилмасин деб, ҳеч кимга чурқ этмаган... овсини эса, уни ўзини, эрига айтиб бериб уйдан ҳайдатган... аслида овсини билан эрининг тили бир бўлган... минг бир тухматлар ила икки ойли келинни ҳайдашган... кейин адашиб, иснодларга чидай олмай қўшниси Собир исмли йигит билан чет элга ишга келган. У ҳам алдаб олиб келган ва мумай пул эвазига сотиб юборган. Биз уни бир исловодхонадан топдик, Севимхоним уларга раҳми келиб, ёнларига қабул қилдилар... Севимхоним эса... (Севимга юзланади, у жим дешган ишора қилади)...

Прокурор. Нима Севимхоним? Нимадир демоқчимидингиз?

Зарина. Йўқ бўлди... мен шуни айтмоқчиманки, бизни бу йўлга киришимизга ҳаёт, оиладаги шундай муҳит мажбур қилди. Аммо биз қасд олиш учун эмас... ўз келажагимизни оз бўлса ҳам ўзгартириш учун ҳаракат қилдик... (Тиллаҳон, сўзини бўлиб. Ўтирган жойида бақиради).

Тиллаҳон. Нега ҳаёт дийсан? Жамият! Разил эркаклар сабаб бўлди...

Судья. (болғачани уриб) Тинчлик сақланглар!

Прокурор. Раислик қилувчи, мени бошқа саволим йўқ.

Судья. Адвокат Ахроров Бекзод сизнинг саволингиз борми?

Адвокат (ўрнидан туриб). Ха судья раиси рухсат берсангиз саволим бор эди.

Судья. Марҳамат.

Адвокат. Айтингчи, Зарина Алиева, демак сизлар ўз эркинлигингиз учун курашгансизлар ва бу йўлда билмай одам ўлдиргансизлар тўғрими?

Зарина. Ха тўғри эркинлигимиз учун курашдик.

Адвокат. Раислик қилувчи, тўғри булар қонунан олганда айбдор. Бироқ улар хаммаси алданган, хўрланган ва тахкирланган. Шунинг учун улар жиноят йўлига кириб қолишган. Жазо тайинланганда буларни ҳисобга олишингизни сўрайман. Бошқа саволим йўқ (жойига бориб ўтиради).

Судья: Суд мажлиси эртага 11⁰⁰ га қолдирилди...

45.

Қамоқхона ховлиси. Бир бурчакдаги стулда Ойгул бошини ерга эгиб ўтирибди. Бир сочлари калта, гавдали аёл қўлида учи пичоқ каби ўткирланган қошиқ билан унинг ёнига келади.

Бону (қўпол оҳангда). Ойгул сенмисан?

Ойгул (қўрқиб). Ҳа, мен.

Бону. Қайси модда билан қамалган эдинг?

Ойгул. 135 модда, иккинчи қисми билан...

Бону (унга яқинлашиб). Давомичи... 242 модда биринчи қисми билан 12 йилга қамалганингни мен айтишим керакмиди...

Ойгул (унинг вазоҳатидан дахшатга тушади). Мен... мен...

Бону (Ойгулни кофтаси ёқасидан ушлаб, ўрнидан турғзади). Мен... менламасдан ортимдан юр. Сени бекам сўраяпти...

Ойгул. Халиги...

Бону. Савол берма. Тез ортимдан юр (Ойгул жим Бонуни ортидан юради).

Экранда аёл кишининг сояси кўринади. Аёл аранг юради. Бир оз юргач йиқилади. Ё ра... ра... ўлади. Ёмгир ва момоқалди роқ овози эшитилади. Бурчакдан қопқора бир шарпанинг юриб келаётгани кўринади. У на итга, на бирор йиртқич ҳайвонга ўҳшарди. У аста чиқиб, аёлни судраб, ичкарига олиб кириб кетади.

46.

Қамоқхона. Ичкарида Шакархон, Тиллахон ва бир нечта қизлар ўтиришибди.

Шакархон. Мени кечиринглар қизлар! Мен шундай қилишга мажбур эдим... Судьяни олдидаги йигит ўғлим бўлади. Сизларга айтган эдим. Мен уни танидим. Сизлардан илтимос бу гаплар ўртамизда қолсин. Мен катта миқдорда пул беркитиб қўйганман. Зарина уни қаердалигини билади. Сизлар энди бу ишларни ташланглар. Ҳамма айбни бўйнимга оламан. Мен адашибман. Бир оз олдин қамоқхонадаги қўриқчи аёллардан биридан Судья ёрдамчиси Саркор Акбаровнинг синглиси бедаво дардга чалиниб вафот этганлигини, аммо, шунга қарамай судга келибди деган гапларни эшитдим. Мен энди ким учун курашай. Мен кимларгадур озор берганим учун, оллоҳ дилбандимдан айирибди. Тилагим болам Саркорни кўриш эди. Ниятимга етдим. Илтимос, унга мен ҳақимда ҳеч нима деманглар! Акс ҳолда ишидан айрилиши мумкин. Мен улар учун жонимни ҳам бераман деган эдим. Тиллахон, сенга сўнги илтимосим, болаларимга ёрдам бер!

Тиллахон. Хўп бўлади хоним (кўз ёшларини артади).

Шакархон. Халқдан кечирим сўранглар! Бу ишларимиз ўзимизга эмас, болаларимизга зарар етказишини унутиб қўйибмиз! Мени кечиринглар; сизларни бундай йўлга бошлаганим учун! Барча айбни менга тўнканглар!

(кийимидан бир қоғоз олиб беради). Бу мактубда мен барча айбни бўйнимга олганимни ёзганман. Кейин ўша биз одамларни ўлдирган уйдаги шкафда диск бор ўшани ҳам судда айтинглар. Дискни кўришса, жиноятни ёлғиз ўзим қилганимга ишонишади... Оллоҳим мени кечир! (девор ортига қарайди, сочларини ёзади ва тилини тагидан лезва олиб, ўзини ўзи томирини кесади, ва ерга йиқилади. Бу сир бир менга аён! Ҳа, менга аён бўлиши керак (ўлади). **Ҳамма қизлар.** Ким бор ёрдам беринг, ким бор! (кичқириқ овозлари, тўс тўполон бошланади. Соқчи аёллар югуриб кела бошлашади).

47.

Бир ярим йилдан сўнг. Ҳашаматли кўрғазмалар зали. Ташриф буюрган меҳмонлар турли хил кашталарни томоша қилишмоқда. Навоza жуда ҳам чиройли либосда кириб келади.

Орзимурод (*ёнига бориб гул беради*). Жуда ҳам гўзалсиз! Мувафаккият билан табриклайман...

Навоza. Сизнинг шарофатингиз билан. Агар, ўша куни менга хлорофолга ботирилган рўмолчани ҳидлатиб, у ердан кутқармаганингизда... мен... билмадим...

Орзимурод. Қўйсангизчи... бу мени вазифам эди. Уларни анчадан бери кузатиб, изига тушган эдик. Сизга бошқача қарашини ҳам сезган эдим... Ўша куни сизларнинг суҳбатингизни, мени бир одашим эшитган ва менга ҳабар беришича, сиз тозалаётган хонага бир мижоз келиши ва сизни олиб кетиши керак эди. Мен олдинроқ ҳаракат қилдим холос...

Навоza. Нима бўлганда ҳам раҳмат... балким сиздан бошқаси бу ишни қилмаган ҳам бўлиши мумкин эди...

Саркор (*опасининг гапларини эшитиб*). Тўғри айтасиз, опажон! Сиздан ҳаммамиз қарздормиз! Ниҳолани маросимларига ҳам ёрдам бердингиз...

Ҳатто шу кўргазмани очилишига ҳам сиз сабабчисиз? Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмаймиз...

Орзимурод. Бу нима деганингиз? Мен ҳеч нарса қилганим йўқ? Буларнинг барига опангиз ўз меҳнати билан эришдилар...

Навоза (*маъюс*). Лекин, жуда ҳам кўп қурбонликлар эвазига... қани эди ҳозир синглим, онам, отам ёнимизда бўлса эди... ҳамон улардан ҳеч қандай хабар чиқмади. (*Кўзларига ёш қалқийди. Саркор опасини қучоқлайди.*)

Саркор. Опа эшитдингизми? (*Опасини чалғитиш учун*)...

Навоза. Нимани?

Саркор. Ҳалиги болалар уйидаги мудира Ойқиз Эрсенбаевани қамашибди. Индинга суди. Ўзим суд қиламан... (*Мағрур*).

Навоза (*ним табассумда*). Қайтар дунё... бизга чоҳ қазий-қазий охири ўзи тушибди-да...

Саркор. Ҳа, опажон шундай! Ўзимни онажоним. (*Кўксига бошини қўяди.*)

Орзимурод (*ҳайрон*). Онажон!

Саркор. Ҳа, шунақа... опамлар икки томчидек ойимга ўхшайдилар... Улар каби жуда ҳам чиройли... Ниҳола ҳам шундай деб, ҳар куни опамни қайта ва қайта қучоқлаб ўпар эди (*Иккисининг ҳам кўзларида ёш қалқийди.*)

Орзимурод. Шунинг унутманглар, қаерда бўлишса ҳам жуда бахтли!

Саркор. Тўғри айтасиз. У ҳозир фаришталар ёнида... Онам билан отамни эса, қидириш ишларини бошлаб юбордик...

Орзимурод. Яхши қилибсиз, ўзим сизга кўмаклашаман... (*Саркорга*) Саркор, сизда гапим бор эди... (*Саркорни бир четга тортиб*). Сиздан опангизни қўлини сўрамоқчи эдим... Ваъда бераманки, Навозани бир умр бахтли қиламан! Кўзларида бир томчи ҳам ёш кўрмайсиз.

Саркор. Наҳотки? Менинг қақилдоқ опам ҳам катта қиз бўлиб қолибдиларми? Бунинг сезмай ҳам қолибман... (*Опасига кўзини қисади.*)

Навоза (*ҳайрон*). Нима гап, тинчликми? Гапирсангизчи...

Саркор. Кейин... кейин... (*Ўзидан-ўзи ўйнайди, қўшиқ айтади.*) Най нум, нана нум... ҳай... ҳай... ўлан... жон ўлан...

*Бирданига ҳаммалари кулиб юборишади. Меҳмонлар ҳамон
кашталарни томоша қилиш билан овора... Кулгу овози самога қадар
жаранглайди. Гўёки, замин кулгу садоларига чулғонгандек...*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2015 йил
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент “Ўзбекистон”-2015 йил
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
6. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2005, 34-бет.
7. Аристотель. Поэтика. – Т. Адабиёт ва санъат 1980
8. Абдусаматов Х. – Драма назарияси. – Т: Ғ.Ғулом, 2000
9. Муҳаммадалиев Х. Сценарийнавислик маҳорати. Т: Мусиқа, 2009
10. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009
11. Қаҳҳор А. Ҳикоялар. –Тошкент: Болалар кутубхонаси. 2008.

Интернет сайти:

1. Google/uz. ru. Ziyo.net.
2. n.ziyouz.com
3. muslim.uz
4. islom.ziyouz.com